

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ТЎЛАГАНОВА САНОБАР ПАНЖИЕВНА

ИЖОДКОР ШАХСИ ВА АДАБИЙ ҚАҲРАМОН МУАММОСИ
(Абдулла Қодирий ижоди мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК 821.512.133-(092) (043.3) Кодирий А

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим
наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doktor of Science (DSc) on Philological
Science**

Тўлаганова Санобар Панжиевна

Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида).....3

Тулаганова Санобар Панжиевна

Творческая личность и проблема литературного героя (на примере творчества Абдуллы Кадыри).....33

Tulaganova Sanobar Panjievna

Problem of the creator personality and literary hero (on example of creature of Abdulla Kadiry).....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works68

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ТЎЛАГАНОВА САНОБАР ПАНЖИЕВНА

ИЖОДКОР ШАХСИ ВА АДАБИЙ ҚАҲРАМОН МУАММОСИ
(Абдулла Қодирий ижоди мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Fil18 рақам
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг
www.tai.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига
жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Наим Фотиҳович
филология фанлари доктори,
профессор, академик

Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Дониёрова Шоира
филология фанлари доктори

Носиров Азмиддин Нормаматович
филология фанлари доктори

Етакчи илмий муассаса:

**Тошкент давлат педагогика
университети**

Ҳимоя 2019 йил “___” _____ соат 14⁰⁰да Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар
берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс:
(99871) 233-71-44; e-mail:uzlit @uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий
кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Диссертация автореферати 2019. йил “___” _____ да тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

И.Ч.Ҳаққулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадиий асарга янгича ёндашув, ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон масаласи, адабий шахсият, ижодкор-инсон сийрати, ёзувчининг таржимаи ҳоли ва адабий-эстетик қарашлари, муаллиф “мен”ининг бадиий қаҳрамонда зухурланиши, ижодий ва инсоний “мен” орасидаги уйғунлик каби масалаларни ўрганиш илмий-назарий аҳамият касб этмоқда. Шахс концепцияси доирасида инсон табиатидаги яратувчилик, унинг руҳиятини теран англаш, ижодкор шахси ва давр, руҳий эврилишларда ижтимоий-психологик муносабатларнинг ўрни, етакчи тамойиллар, озиқланган манбалар, адабий-эстетик қарашларини тадқиқ этиш омилларининг мавжудлиги мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Дунё адабиётшунослигида кенг қўлланилаётган тарихий-қиёсий, биографик, психобиографик, тарихий-маданий методларга кўра ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси, ижодий уйғунлик ҳодисасига ўзаро алоқадорликда ёндашилиб, адабиётшуносликнинг адабий-эстетик категорияси сифатида тадқиқ қилинмоқда. Натижада инсонни кенг қамровда ўрганиш, ижодкор-инсон таржимаи ҳолидаги ҳаётий фактлар ва руҳий ҳолатларни теран англаш, ижод механизмини ташкил қилувчи компонентлар, ижодий “мен” ва инсоний “мен” ўртасидаги мувозанатни илмий-назарий ҳамда бадиий-эстетик жиҳатдан асослаш имкони юзага келди. Бугунги глобаллашув жараёни жаҳон адабиётшунослигида мавжуд илғор илмий-методологик усуллар асосида ўзбек адабиётшунослиги мезонларини шакллантириш, ижодкор шахси ва унинг бадиий меросини холис ўрганиш, ижодкор-инсон руҳиятини англаш, адабий шахсият муаммосини ижтимоий фанлар оралиғида ўрганишни тақозо қилмоқда.

XX аср ибтидосида бўй кўрсатган янги ўзбек адабиётининг маънавий-маданий тараққиётини, унинг серқатлам ва мураккаб табиатини чуқурроқ англаш учун янги ўзбек насрини юзага келтирган ижтимоий-сиёсий, адабий ва психологик омилларнинг илдизларини тадқиқ этиш эҳтиёжи ортиб борди. Бадиий асар маданий, тарихий, ижтимоий ҳодиса сифатида идрок этилар экан, унинг яратувчиси бўлган ижодкор шахсини нафақат адабий-эстетик муаммо сифатида, балки фалсафий, ижтимоий, психологик муаммолар кесимида ўрга-ниш заруратини юзага келтиради. Адабиётшуносликда ижод психологияси, ижодкор шахси, муаллиф тафаккур тарзи ва дунёқараши, ижтимоий позицияси, ижодий концепцияси, эстетик диди, эътиқоди каби масалаларни ўрганиш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин. Бадиият мезонларига тўла жавоб бера оладиган асарлари билан миллий адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини бир бутунликда ўрганиш, ижодкор шахсиятидаги ўзига хослик, бадиий маҳорати, услуб ва усул борасидаги изланишлари, эпик тафаккури тадрижида роль ўйнаган ҳаётий ва ижодий омиллар, ҳаётий ҳақиқатнинг бадиий воқеликка айланиш жараёнини тадқиқ этиш адабиётшунослик

олдидаги муҳим масалалардан биридир. Қодирийшунослик махсус тармоқ сифатида шаклланиб улгургани ва сўнгги йилларда асарга ёндашувдаги янгича талқинлар туфайли муаллиф поэтикаси юз очмоқда. Ёзувчи шахсияти ва унинг ижоди, дастлабки ўзбек романлари поэтикасида биографик унсурларнинг ўрни, эстетик концепцияда ижтимоий идеалнинг акс этиши каби масалалар ўзаро боғлиқликда ўрганилиши диссертациянинг илмий аҳамиятини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-1271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги” Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Романнинг бадиий-поэтик хусусиятлари, унинг жаҳон адабиётидаги ўрни, ғоявий-бадиий тадрижи ва такомилли, маърифий-эстетик аҳамияти жаҳоннинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Москва давлат университети, Россия давлат гуманитар университети (Россия), University of California, University of Indiana, University of Michigan (АҚШ), Istanbul Universitesi, Ankara Universitesi (Туркия), Озарбайжон Фанлар академияси Адабиёт институти (Озарбайжон), шунингдек, Ўз РФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида бадиий-эстетик категориялар, хусусан, ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси нуқтаи назаридан қуйидаги илмий натижаларга эришилган: ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси адабиётшуносликнинг бадиий-эстетик категорияси сифатида

¹ Диссертация мавзуси бўйича илмий адабиётлар шарҳи: <http://www.harvard.edu>; <http://www.universityofcalifornia.edu>; <http://www.dictionary.com>; <http://www.dissercat.com>; https://simple.wikipedia.org/wiki/Historical_novel; <https://www.livelib.ru/book/1000189541/about-lichnost-dostoevskogo-b-bursov>; <https://vu.wikipedia.org/wiki>. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

асосланган, ижод психологияси, ижодий муҳит, ижодкор-инсон тушунчаси, ижодий “мен” ва биографик “мен”нинг ўзаро уйғунлиги, характер яратишнинг аҳамияти, муаллиф “мен”ининг бадиий матнда акс этиши илмий асосда кўрсатиб берилган (Москва давлат университети, Россия); ижодкорнинг адабий, ижтимоий таржимаи ҳоли, оила ва адабий муҳит, диний эътиқод ва адабий шахсият, ижодий лабораторияси, дунёқараш ва тафаккур тадрижида роль ўйнаган психобиографик омиллар, муаллиф ва эстетик идеал муаммоси илмий-адабий назарий ҳамда ижтимоий-психологик жиҳатдан очиб берилган (Россия давлат гуманитар университети, Россия).

Дунё адабиётшунослигида XX аср ўзбек адабиёти, унинг ўзига хос хусусиятлари, ижодкор-инсонни турли аспектда ўрганиш, муаллиф шахси ва унинг эстетик концепцияси, ижод механизмини тадқиқ этиш сингари қўйидаги устувор йўналишлар устида илмий изланишлар олиб борилмоқда: ўзбек адабиёти, жумладан, ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси, ижодкор бадиий эстетик концепциясида ижодий “мен” ва инсоний “мен” уйғунлиги, адабий шахсият ва тарихий-адабий жараён, ижодий услуб масаласи, ўзликни ифода этиш шакллари, биографик жанр имкониятлари, бадиийлик ва хужжатлилик, биографик метод ижодкор шахсини ўрганишнинг воситаси сифатида; романда тарихий воқеликнинг бадиий ҳақиқатга айланиш жараёни, романда биографик унсурларнинг ўрни ва бадиий акс эттириш муаммоси, муаллиф ва бадиий матн, ижодий “мен” ва эстетик идеал мутаносиблиги, романнинг жанрий-поэтик имкониятлари, унинг давр контекстидаги ўрни, қаҳрамон тасвиридаги миллий ва умуминсоний хусусиятлари; “Ўткан кунлар”да миллий турмуш, хусусан, оилавий муносабатлар ва миллий қадриятлар, анъанавий мавзуларнинг янгича талқин этилиши, ижодкор тафаккури ўтмиш ва келажак орасида ҳалқа вазифасини бажариши; туркий халқлар адабиётида муштараклик, таъсир ва талқини, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима уйғунлиги муаммолари белгиланган, тарихий роман шаклланишида фольклор ва мумтоз адабиёт анъаналарининг аҳамияти, ижодкор концепциясида бадиий бутунлик, Абдулла Қодирий романларида ижтимоий муаммолар ва миллий қадриятлар тизимининг ифодаланишида кўринади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё адабиётшунослиги адабий-эстетик тафаккури тарихида, фалсафа, эстетика ва психология соҳасида ижод психологияси, ёзувчи лабораторияси, ижодкор шахсияти билан бадиий ижод орасидаги уйғунлик муаммосини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш узоқ тарихга эга. Жаҳон адабиётшунослигида мазкур йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб боришда муайян натижаларга эришилган², ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон масаласи билан боғлиқ бир қатор диссертациялар ёқланган³.

²Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. – М.: Худ. лит-ра, 1970; Андре М. Литературные портреты. – М.: Прогресс, 1971; Винокур Г. Биография и культура. – М.: Изд. ЛКИ, 2007; Выготский Л. Психология искусства. – М.: Педагогика, 1987; Барахов В.С. Литературные портреты. – Л.: Наука, 1985; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Худ. лит-ра, 1975; Его же. Проблемы поэтики Достоевского. Собрание сочинений. В семи томах. – М.: Худ. лит-ра, 1975. Т. 6; Борев Ю. Эстетика. – М.: Политиздат,

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам ижодкор шахси, ижод психологияси, ижодкор лабораторияси, муаллиф “мен”и ҳамда адабий қаҳрамон алоқадорлиги каби масалаларга бағишланган изланишлар олиб борилган. М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, А.Расулов, Д.Қурононов, Ҳ.Болтабоев, Б.Каримов, У.Жўрақулов каби адабиётшуносларнинг илмий ишлари ва бошқа асарларида мазкур масала турли йўналишда ўрганилган⁴. Ижодкор шахсияти, Абдулла Қодирий сийрати, ижодий жараён, ижод психологиясига оид диссертация⁵ ва монографик тадқиқотларда⁶ мазкур масала турли кўринишларда таҳлилга тортилган бўлса-да, аммо ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон масаласи ўзбек адабиётшунослигида махсус тадқиқ этилмаган.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида У.Норматовнинг Абдулла Қодирийга бағишланган бир қанча асарларида ёзувчи асарлари поэтикаси, муаллиф маънавий-руҳий олами, инсон характерининг ёритилиши, ўша

1988; Бурсов В. Личность Достоевского. – Л.: Сов. писатель, 1974; Лотман Ю. Собрание сочинений. – М.: Просвещение, 1998; Велик А. Художественный образ Ф.М.Достоевского. – М.: Просвещение, 1974; Мейлах Б. Психология художественного творчества предмет и пути исследования. – Л.: Наука, 1980; Андроникова И. От прототипа к образу. – М.: Педагогика, 1974.

³Холиков А. Биография писателя как теоретико-литературная проблема (на материале жизни и творчества Д.С.Мережковского с 1865 по 1919 год): Дис... канд.филол. наук. – М., 2009. – 210 с; Ким Д.С. Творческая личность писателя в эпистолярном наследии: на материале Н.В.Гоголя, Ф.М.Достоевского и М.М.Зощенко. Дис.... канд. филол.наук. – СПб, 2008. – 205 с; Мещанский А.Ю. Концепция творческой личности в произведениях В.Набокова. Дис.... канд.филол.наук. – Архангельск, 2002; Кемпер Д. Поэтика автобиографического повествования: автобиография И.В. Гёте в типологическом освещении: Дис.... канд. филол. наук. – М., 2010 – 208 с.

⁴Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – 136 б.; Ўша муаллиф. Қодирий – эркислик қурбони. – Тошкент: Фан, 1992. – 96 б.; Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 124 б.; Ўша муаллиф. Максуд Шайхзода. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 335 б.; Ўша муаллиф. Миртемир. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Meriyus, 2012. – 282 б.; Ўша муаллиф. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 536 б.; Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969. – 314 б.; Ўша муаллиф. Абдулла Қодирий кашфиёти. – Тошкент: Mashhur-Press, 2018. – 198 б.; Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 336 б.; Болтабоев Ҳ. Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1 – жилд. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2013. – 400 б.; Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 287 б.; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2008. – 202 б.

⁵Абдурахмонова М. Абдулла Қодирийнинг психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. номз... дис. – Тошкент, 1977. 141 б.; Қурононов Д. Чўлпон насри поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 1997. – 45 б.; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талкин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол. фан. д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 45 б.; Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талкин муаммоси (XX асрнинг 80–90-йиллари асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2002. – 275 б.; Ёқубов И. Отажон Ҳошимовнинг адабий-танқидий фаолияти: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1993. – 124 б.; Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.; Умрзоқов Ф. Ғози Юнуснинг ижодий йўли: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.; Жабборов Д. Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 46 б.

⁶Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент, Фан, 1981. – 199 б. Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 120 б.; Ўша муаллиф. Қаҳрамоннинг маънавий олами ва эпиклик. – Тошкент: Фан, 1995. – 42 б.; Қодирий А. Ижод машаққати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 16 б. Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан. 2008. – 178; Қўчқоров Р. Мен билан мунозара қилсангиз. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 167 б.; Жўрабоев О. Матннинг матн ости сирлари. – Тошкент: Tamaddun. 2017. – 212 б.; Қўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида. – Тошкент: Akademnashr. 2018. – 256 б.; Абдулла Қаҳҳор: Шахс ва ижодкор. – Тошкент: Tamaddun. 2013. – 212 б.

давринг ижтимоий-сиёсий ҳолати манбаларга таянган ҳолда асосланди⁷. Мустақиллик йилларида Б.Каримов Абдулла Қодирий ижоди ҳақида бир қатор тадқиқотлар яратиб, қодирийшуносликда янги йўлларнинг пайдо бўлишига хизмат қилди⁸. Ушбу ишларда бадиий матнга янгича ёндашиш, ундаги ички қатламларга яширинган фикрларни уқиш ва муаллиф концепциясини англашга интилиш хусусиятлари етакчилик қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда ФА-Ф-ГОЗ9 “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” (2012–2016) лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосини адабиётшунослик категорияси сифатида асослаш, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини бир бутунликда шахс концепцияси доирасида очиқ бериш, адиб шахсияти ва роман қаҳрамонлари орасидаги рухий, ижтимоий-биографик, маънавий-маърифий жиҳатдан боғлиқлик, эстетик идеал ва қаҳрамон параллелизми масаласининг ўзбек адабиётидаги илмий-назарий асосларини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Асосий мақсаддан келиб чиқиб тадқиқот ишида қуйидаги илмий вазифалар қўйилди:

“ижодкор шахс” тушунчасининг адабий-тарихий, бадиий-эстетик асосларини илмий ва бадиий манбаларнинг системали таҳлили асосида ёритиб бериш;

ижодкор бадиий тафаккури шаклланишида ички ва ташқи омилларининг тадрижий функциясини аниқлаш;

роман тафаккурининг ижодий теранлиги ва бадиий қамровдорлиги учун муҳим ҳисобланган психогенетик босқичлар, айти босқичларни ташкил этувчи махсус категориялар мутаносиблигини таснифий кўрсатиш;

Абдулла Қодирий ижодий меросига хос услубий такомиллашув жараёнларининг насрий жанрлараро бадиий-концептуал вазифасини белгилаш;

ёзувчи романлари таҳлили асосида бадиий концепция, адабий қаҳрамон ва эстетик идеал муносабати натижаси сифатида юзага келган бадиий кашфиётлар тизимини очиқ бериш;

ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон параллелизми муаммосини қиёсий-типологик усулда асослаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдулла Қодирийнинг ҳаётини ва ижодий биографияси ҳақидаги манбалар, Ҳ.Қодирийнинг “Отамдан хотира”,

⁷Норматов У. Қодирий боғи. – Тошкент: Ёзувчи, 1994; Ўша муаллиф. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: O'zbekiston, 2010; Ўша муаллиф. Қодирийни қўмсаб. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – 76 б.

⁸Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2006; Ўша муаллиф. Қодирий насри – нафосат қасри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014; Ўша муаллиф. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур.– Тошкент: Akademnashr, 2014. Ўша муаллиф. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2006. – 230 б.; Ўша муаллиф. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғ.Фуллом номидаги НМИУ, 2016. – 362 б.

“Қодирийнинг сўнгги кунлари” хотира-қиссаси, ёзувчининг кичик жанрдаги асарлари ҳамда “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси адабий-эстетик категория сифатида XX аср ўзбек адабиётшунослигида муҳим ўринга эгаллиги; Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ манбалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Биографик, психобиографик, тарихий-маданий, тарихий-қийсий, социологик, психологик ҳамда аналитик методлар таҳлил усули сифатида белгиланди. Ижодкор шахсиятидаги айрим ҳолат-хусусиятларнинг адабий асарларга кўчиши, шунингдек, бадиий ифода ва услуб масалаларини белгилашда биографик ёндашув имкониятларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижодий “мен” ва биографик “мен” тушунчаси, ижод психологияси, ижодий муҳит, ижодий услуб, эстетик идеалнинг ижтимоийлашуви, ижодий концепция каби ижод механизмини ташкил қилувчи компонентлар яхлит бир бутунликда кўрсатилган;

ижодкор бадиий-эстетик концепциясида ижодий “мен” ва биографик “мен” мутаносиблиги, ўзликни ифода қилиш шакли, ёзувчи ҳаётини ақидалари, ижтимоий-фалсафий қарашларининг бадиий қаҳрамонда зухурланиши асосланган;

ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосига адабиётшуносликнинг бадиий-эстетик категорияси сифатида ёндашилиб, Абдулла Қодирий ижодий феномени шахс концепцияси доирасида очиқ берилган;

ижодкор дунёқараши ва эпик тафаккури тадрижида Абдулла Қодирийнинг отаси – хонликнинг бош нозир ва кўмондони Қодирмуҳаммад бобонинг информатор вазифасини бажаргани ҳамда роман қурилмаси шаклланишида муҳим ҳалқа сифатидаги ўрни исботланган;

Абдулла Қодирий шахсияти ва роман қаҳрамонлари ўртасидаги ижтимоий-биографик, бадиий-эстетик бутунлик ёзувчи романларида бадиий концепция, адабий қаҳрамон ва эстетик идеал муносабати натижаси сифатида юзага келган бадиий кашфиётлар тизими исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётшунослигида ижодкор шахсининг адабий-эстетик категория сифатида илмий аҳамият касб этиши Абдулла Қодирий шахс концепцияси доирасида асослаб кўрсатилган;

дунё адабиётшунослигида ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосини ўрганишда мавжуд бўлган илмий-назарий тамойилларга таянган ҳолда адабиётимизнинг юксак намуналари асосидаги хулосалар орқали ёритилган;

тарихий-адабий жараёнда “матн ёки муаллиф”, муаллиф нуқтаи назари ва қаҳрамон, биографик жанр, биографик метод ва тарихий биографик роман, эссе, хотира-қисса каби жанрларнинг пайдо бўлиш омиллари ҳамда

уларга ёндашув муаммосига оид қизгин илмий доирадаги баҳс-мунозара ва уларга муносабат аниқланган;

Абдулла Қодирий ижодига биографик контекст асосида ёндашилиб, муаммонинг ўзига хос хусусиятлари давр ва шахс, ижтимоий-сиёсий вазият, тарихий-адабий жараён, адабий муҳит қамровида ёритилган;

Абдулла Қодирийнинг роман тафаккури шаклланишида муҳим роль ўйнаган психогенетик омиллар: оила ва тарбия, эътиқод, ижтимоий-сиёсий вазият, адабий-тарихий жараён, адабий муҳит каби факторлар асослаб берилган;

Ёзувчи эпик тафаккури ва дунёқараши ривожда отаси Қодирмуҳаммад бобонинг муҳим ҳалқа сифатидаги ўрни аниқланган;

Абдулла Қодирий ижодининг жанрлараро такомиллашувида тарихий давр ва ижтимоий ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этганлиги далиллар асосида кўрсатилган;

ёзувчи ижодий концепциясида эстетик идеалларнинг ижтимоийлашуви ва адабий қаҳрамон параллелизмига эътибор қаратилган;

ижодкор шахсига тарихий давр ва адабий жараён кесимида ёндашилиб, даврнинг ижтимоий-психологик руҳиятини кўрсатиш учун Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Ойбек ижодига шахс концепцияси доирасида ёндашилган;

XX аср ўзбек адабиётшунослигида ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон масаласини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувида хизмат қилиши асосланган;

Абдулла Қодирий ижодий лабораториясига хос хусусиятлар ижод жараёни ҳақидаги назарий қарашлар асосида белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, кузатишлар асосида чиқарилган илмий-назарий хулосаларнинг тарихий-қиёсий, биографик, психоаналитик, аналитик ва семиотик таҳлил усуллари орқали асослангани, ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: XX аср ўзбек адабиётида ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси адабий-эстетик категория тарзида ўрганилганлиги ҳамда Қодирийнинг ҳаёти, ижоди бир-бирига уйғун ҳолда яхлит тизим асосида таҳлил этилганлиги муаллиф ижодий концепциясида ижтимоий идеалнинг илмий қийматини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг натижалари ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосини фалсафа, психология, диншунослик фанларига ҳам самарали қўллаш имкониятини яратиши билан белгиланади. Тадқиқот натижалари XX аср ўзбек адабиётида ижодкор шахсияти, адабий қаҳрамон ва эстетик идеал муаммоларига бағишланган. Хусусан, у ёзувчи ижодини унинг

биографияси билан узвий боғлиқликда текширувчи фундаментал тадқиқотлар яратишда назарий-илмий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосига адабий-эстетик категория сифатида концептуал ёндашиш, қаҳрамонлар талқинида биографик омиллари аниқлаш, эстетик идеалнинг ижтимоийлашувини бадииятда акс этиши жиҳатидан келиб чиққан ҳолда:

XX аср шўро даври адабиёти намуналарини жаҳон адабиёти намуналари билан қиёслаб ўрганиш асносида ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосининг умумий ва хусусий ҳолатларидан келиб чиқувчи типологияга доир хулосалардан ФА-Ф1-Г040 “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2019 йил 5 июлдаги 311255-1878-сонли маълумотномаси). Ўзбек насрида ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси бадиий категория сифатида адабиётшуносликда ўрганилиши жоиз деган тўхтамга келишга асос бўлган;

Абдулла Қодирий шахсияти ва роман қаҳрамонлари ўртасидаги ижтимоий-биографик, маънавий-маърифий, бадиий-эстетик бутунлик борасида чиқарилган илмий-назарий хулосалардан ИТД-А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015–2017) лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 июлдаги 89-03-2718-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш туфайли ижодкор шахси, давр ва ижодкор, адабий шахсият, муаллиф шахсининг қаҳрамонда зухурланиши каби поэтик муаммоларга биографик контекст асосида ёндашилган, талабаларнинг бадиий матнни теран англашига эришилган;

ижодкор илмий таржимаи ҳолини яратиш, муаллиф ҳаёти ва ижодини яхлитликда ўрганиш, ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси асосида чиқарилган илмий-назарий хулосаларидан Озарбайжон Миллий Илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг “Озарбайжон-туркман-ўзбек адабий алоқалари” бўлимида озарбайжон ўзбекшунослари томонидан фойдаланилган (Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг 2019 йил 8 июндаги маълумотномаси). Натижада ижодкор шахси ва бадиий қаҳрамон масаласи илмий-назарий муаммо ва Абдулла Қодирий биографияси билан боғлиқ янги маълумот ҳамда қўшимча изоҳлар тадқиқотчиларнинг ўзбек адабиёти ҳақидаги билимларини кенгайтиришга хизмат қилган;

ўзбек адабиётида роман жанрининг пайдо бўлиши, Абдулла Қодирий миллий романчилик мактабининг асосчиси, ижодкор шахсининг бадиий қаҳрамонда акс этиши, бадиий матнга биографик контекстда ёндашув каби таҳлил усулларидан Туркиянинг Анқара Университети Тил ва Тарих-Жуғрофия факультетида таълим жараёнида фойдаланилган (Анқара Университетининг 2019 йил 10 июлдаги маълумотномаси). Бу эса Абдулла Қодирийнинг ижоди мисолида XX аср ўзбек адабиётини ўрганаётган ёш

тадқиқотчиларга ва докторантларга назарий манба сифатида фойдаланиш имкониятини юзага келтирган;

XX аср бошидаги ўзбек адабиёти ва адабий жараён, ўзбек насридаги поэтик ўзгаришлар, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек ижодидаги ўзига хос жиҳатлар, ўзбек романи композициясида миллий колоритнинг сақланишига доир чиқарилган илмий-назарий хулосалардан Абилайхон номидаги Қозоғистон халқаро алоқалар ва дунё тиллари университети ҳамда Боку Давлат университети талабалари учун тайёрланаётган турк прозаси дарслигида фойдаланилган (Абилайхон номидаги Қозоғистон халқаро алоқалар ва дунё тиллари университетининг 2019 йил 9 июлдаги маълумотномаси). Натижада Қозоғистон ва Озарбайжон ўқув юртлари талабаларининг туркий халқлар адабиёти ҳамда янги ўзбек насрининг юзага келиши, дастлабки ўзбек романлари ҳақидаги билимларини янги маълумотлар билан бойитилишига эришилган;

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг XX аср ўзбек адабиёти, янги ўзбек адабиётининг шаклланиши, ўзбек романи, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди, муаллиф шахсияти, ижодкор романларида биографик унсурларнинг ўрни, истиқлол даври романчилигида Абдулла Қодирий анъаналари юзасидан янги маълумотлар билан бир қатор кўрсатувларда тадқиқот бирламчи методологик асос бўлиб хизмат қилган (“Ўзбекистон” телеканалининг 2019 йил 31 майдаги 01-35-957, “Маданият ва маърифат” каналининг 2019 йил 30 майдаги 01-11-214, “Маҳалла” телеканалининг 2019 йил 31 майдаги 03-18-696-сонли маълумотномалари). Ижодкор бадиий-эстетик концепцияси, адабий қаҳрамон ва эстетик идеал муносабати, бадиий адабиёт ва адабий шахсият масаласи, ижод психологияси ва муаллиф тафаккур тарзи, Абдулла Қодирий романларининг бадиий кашфиётлар тизимини очиб бериш орқали кўрсатувларнинг савияси оширилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 8 та республика илмий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган хорижий нашрларда 2 та, шу мақомдаги республика журналларида 16 та, бошқа хорижий ва маҳаллий нашрларда 25 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккизта фаслни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 242 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети таснифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётшуносликда “ижодкор шахси” тушунчаси талқинлари”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат. **“Ижодкор шахси” адабий-назарий муаммо сифатида**” номли биринчи фаслда ижодкор шахси муаммоси адабиётшуносликнинг категорияларидан бири сифатида тадқиқ этилди. Ижодкор сийратидаги ижодий “мен” ва биографик “мен” орасидаги муштараклиги ҳамда ўзаро уйғунлиги адабиётшуносликда илмий-назарий масалалар қаторида турли даражада ўрганилиб келинмоқда. Бадиий ижодда ижодкор шахси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, муаллиф нуқтаи назари, эътиқоди, ҳаётий мезони, тафаккур тарзи, эстетик диди каби факторлар бир бутунликда асар ғоясини шакллантиришга хизмат қилиб, масалани илмий-назарий концепция асосида ўрганиш муаммонинг аҳамиятини кўрсатади.

Адабиётшуносликда ижодкор шахси муаммоси муаллиф “мен”и, биографик “мен”, ижодий қиёфа, ижод жараёни, ижод психологияси, ижодкор лабораторияси каби ижод механизми компонентлари бир бутунликда тадқиқ этиб келинмоқда. Ижодкор шахсига ёндашувда бир қанча факторлар: ёзувчининг таржимаи ҳоли, наслий хусусиятлари, индивидуаллиги, истеъдоди, услуби, адабий муҳит каби факторлар бирламчи омиллардан деб қаралади. Ижодкор фаолиятининг маҳсули саналган санъат асари нафақат бадиий ҳодиса, балки руҳий, маданий, фалсафий, тарихий, диний қадриятларни ўзида мужассам этган воқелик сифатида идрок этиб келинади. Ушбу фаслда Абдулла Қодирий ҳаёти, ижоди биографик ёндашув асосида, яъни ижодкор-инсон: ижодий “мен” ва биографик “мен” қамровида маҳсус ўрганилди. Биографик ёндашувга кўра, ижодкор таржимаи ҳолидаги йил, саналарнинг бирламчи аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, тадқиқотимизда ёзувчи таржимаи ҳолидаги рақамларга тобе бўлиб қолмасликка, инсон руҳияти сирлари, вазият ва ҳолатларни ҳамда тарихий воқелик ортига яширинган ҳаёт ҳақиқатини англашга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга, адиб ҳаёти билан боғлиқ манбаларга ижодкор шахси муаммоси нуқтаи назаридан ёндашилди⁹.

⁹ Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986; Қодирий Ҳ. Отамдан хотира. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Қодирийнинг сўнгги кунлари // Ёшлик. 1989. № 9-12; Абдулла Қодирий. “Диёри бакр”. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007; Қодирий Ш. “37-хонадон”. – Тошкент: Davr Press, 2012; Абдуллаев М. Ўтганлар ёди – Тошкент: Davr Press, 2012; Боқий Н. Қатлнома. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992.

М.Бахтин ижодкор шахсини ўрганишда бир неча факторларни эътиборда тутиш лозимлигини ажратиб кўрсатади: 1) муаллиф-инсонга индивидуал жонзот сифатида қараш ва бу хусусият унинг ўзига хослигини таъминлашини; 2) бундай йўналишдаги ишларда тарихийлик принципига амал қилиш лозимлигини; 3) муаллифни ўз даврининг шарт-шароити, адабий мезонлари билан биргаликда боғлаб ўрганиш шартлигини; 4) Тадқиқотчи муаллиф-ижодкор (асар вақтидаги) билан муаллиф-инсон (тарихий давр ва жамият, ижтимоий-сиёсий) ҳаётида бир қанча ўхшаш ҳолатлари бўлса-да, аралаштириб юбормаслик лозимлигини муҳим деб ҳисоблайди¹⁰. Олим ижодкор шахсини ўрганишда муаммони яхлит бир тизим асосида шакллантиришни ва тарихий поэтика талабига кўра ўз даври билан боғлаб тадқиқ этишни маъқуллайди. У муаллиф ва қаҳрамон алоҳида бадиий-эстетик категория эканлигини ҳамда улар орасида нозик тафовутлар мавжудлигини аниқлаб, ижод бу – “иктидорга эга одамнинг атроф-оламга муносабати”, деб кўрсатади. В.Жирмунский эса ёзувчининг шахсий, ижтимоий, адабий биографияси ва адабий эстетик қарашларини бир бутунликда тадқиқ этишни таклиф қилади¹¹. Ижодкор-инсон таржимаи ҳолини ўрганишда кундалик, ёзишмалар, хотиралар, қайдлар билан бирга унинг ижодий мероси бирламчи манба бўлиб хизмат қилади. Баъзида ёзувчи ҳақидаги манбаларнинг тўлиқ эмаслиги ва тартибсизлиги ишда бир қатор муаммоларни туғдиради. Айни ҳолатни назарда тутган Ю.Лотман: “Муаллиф биографияси ва унинг ижодини таҳлил этиш – камдан-кам ҳолатда муваффақиятли ечим топиши мумкин деб ёзади¹². Муаммо шундаки, биринчидан, таржимаи ҳол баёнида рақамлар ва ҳужжатлилиқ устуворлик қилади. Иккинчидан, ижодкор ҳам тирик жон, унинг фикрлаши, муносабатларида эрки чекланмаган, ундан барқарорликни талаб этиб бўлмайди, ёзувчи шахси ва ижод дунёсини тугал англаб этиш имконсиз. Шундай экан, икки ҳодисани ўзаро бириктира олиш тадқиқотчидан катта масъулият талаб этиб, манбалар орасидан ижодкорнинг жонли қиёфасини топиши муҳим ҳисобланади. Адабиётшуносликда ижодий “мен” ҳамда биографик “мен” орасидаги ўзаро уйғун ва параллель ҳолатларни ўрганиш, илмий-назарий жиҳатдан асослаш ҳамиша долзарблигини йўқотмайди.

Ижодкор “мен”ига эстетик идеал ва поэтик мезонлар асосида қаралганда биографик “мен”ўз-ўзидан кейинги ўринга ўтиши билан бирга, ижодий “мен”ни чуқурроқ англашда очқич вазифасини бажаради. Асарни ўрганишда биографик ёндашувни мутлақлаштириш, муаллиф ва қаҳрамон айн деб қараш, ҳар бир асардан биографик унсурни қидириш, сабабсиз бўрттириш, ортиқча эътибор қаратиш, таҳлилни шунга боғлаб қўйиш ўзини оқламайди. Айни пайтда асардан ижодкор шахсига алоқадор белги ва хусусиятларни топиш адабий асар мазмунини янада теран англашга, унинг

¹⁰ Бахтин М. Автор и герой в эстетической деятельности. Собрание сочинений. Т. - 1. – М.: Искусство, 2003. – С. 216

¹¹ Жирмунский В.М. Введение в литературоведение: Курс лекций. – М.: Наука, 2004. – С. 133.

¹² Лотман Ю. Биография – живое лицо // Новый мир, 1985. № 2. – С. 28.

моҳиятини ҳар тамонлама чуқур ёритишга жиддий таъсир кўрсатишини ҳам унутмаслик лозим.

Абдулла Қодирийнинг ижодга масъулият билан қараганлиги, адабиётни миллат олдидаги бурч ҳисоблаганлиги ва масалага имон-эътиқод нуқтаи назаридан ёндашганлигини унинг адабий мероси, ижодкор шахсига тегишли асарлар, манбалар ва ёзувчининг бадиий-эстетик концепциясини синчиклаб ўрганиш давомида кузатиш мумкин. У ижодкорни “ёзғучи”, “ёзишғучи”, “мунаввар” яна бир ўринда “матбуотимизнинг қон томири бўлган муҳаррир ва шоирлар” деб ёзади. “Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида”¹³ номли мақоласида ўз ижодий принципларини алоҳида тавсифлаган. Унда: Абдулла Қодирийнинг ёзувчи бўлишида бошидан кечирганлари катта роль ўйнаши, ҳақиқий ёзувчи “турмуш ичига кира билиши, ҳаётда “учрайтурган типларни” ўрганиши, майда деталлар ҳам асар ғоясига мослигини суриштириши, бадиий тўқиманинг ҳаётий асосга эга бўлиши, асар тархини тузиб олинishi зарурлиги ва ёзувчи ўқувчига нима дейишини аниқ билиши шартлигини алоҳида ажратиб кўрсатади. Манбаларда ёзувчи “бир йўла ёзиш” малакасига эга “туғма қалам” соҳиби бўлиб, унинг ёзганларини “қайта таҳрир” қилишга эҳтиёж қолдирмаганлиги қайд этилган. Ушбу фаслда ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосини ўрганиш бадиий асар, унинг яратилиш тарихи, эстетик идеал, қаҳрамон, образ каби бир қанча поэтик масалаларга ечим топишга имкон бериши ёритилди. Ёзувчи шахсининг асар мазмуни, ғояси ва қаҳрамонлар талқинида муҳим ўрин тутиши кўрсатилди.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Ижодкор шахсига биографик ёндашувнинг тарихи ва бадиий омиллари”** деб номланади. Мазкур фаслда биографик ёндашувнинг тарихий илдизларига эътибор берилди. Таржимаи ҳол билан боғлиқ биографик унсурлар энг қадимий тош битикларда ҳам учраб, одамзод ўзи ва ўзгалар ҳақида билиш, англаганларини айтишни эҳтиёж деб билганлигидан далолат беради. Кейинчалик бу анъана диний манбаларда такомиллашиб, Расуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳаётлари тарихи “Сийрат” деб аталган. “Сийрат” сўзи араб тилида “бир инсоннинг ҳаёт тарихи, ҳаёт йўли”, таржимаи ҳолига тўғри келади. Пайғамбар с.а.в.нинг ҳаётига бағишланган илмга “Ас-сийратун набавийя” номи берилиб, уни ўрганган олимларни “Сийрат уламолари” деб аташган. Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарлари ҳам адабиётимиздаги биографик ёндашув асосида яратилган дастлабки насрий намуналардан ҳисобланган. Навоийнинг “Насойим-ул-муҳаббат” асарида 707 нафар шайх ҳаёти ва фаолияти, “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида 459 ижодкорлар асарлари таҳлил этилган. Ушбу манбалар адабиётимиз тарихида биографик ёндашувнинг ўзига хос кўринишлари сифатида баҳоланишга муносиб. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида ижодкор таржимаи ҳолини ижоди билан боғлиқликда ўрганиш Фитрат томонидан амалга оширилган. Олимнинг Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Солиҳ, Турди ва Машраб ҳақидаги, Абдурахмон

¹³Қодирий Ҳ. Отамдан хотира. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 391.

Саъдийнинг “Имом Ғаззолий”, Вадуд Маҳмуднинг “Фузулий Боғдодий” тадқиқотларида илмий биография яратишнинг ўзига хос услуби шаклланган¹⁴. Мазкур тадқиқотлар муаллиф шахсияти ва ижодига бир бутунликда қарашнинг натижаси ўлароқ юзага келди. Бугунги ўзбек адабиётшунослигида ижодкор илмий биографиясини яратишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар¹⁵ билан бир қаторда, биографик йўсиндаги маърифий асарлар ҳам эълон қилинган¹⁶.

Биографик жанрга кўра, ҳужжатлилик, тўқимага ўрин бермаслик, макон ва замон тасвирида маълум қоидаларга қатъий бўйсуниб, тадрижийликка амал қилиш талаб этилади. Биографик асар – ёзувчи ҳаётда қандай бўлса, ортиқча идеаллаштирмасдан ёки камситмасдан, айнан ўз ҳолича тасвир этиш, баъзи ҳаёт ҳақиқатидан чекинмай, уни тарихан тўлдириш демакдир. Ёзувчи биографиясини яратиш нафақат ижодкорликни, балки илмий-назарий концепцияни инсон ва жамият кесимида яхлит ҳолда ёритиб беришни талаб этади. Автобиографик асар – ижодкор таржимаи ҳолининг муаллиф томонидан бадиий идрок этилиши ва шунга мос бадиий шаклга солинишидир. Бунга мисол тариқасида Н.Сафаровнинг “Наврўз” автобиографик роман-диалогияси, Ойбекнинг “Болалик”, А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” қиссаларини келтириш мумкин.

Биографик асар – ҳужжатли асар саналиб, унда муаллиф тасаввури ва англами орқали тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолияти бадиийлаштирилган тарзда ёритилади. Ижодкор шахсини тарихий давр билан боғлиқликда тадқиқ этиш, ижтимоий-сиёсий вазият, ёзувчи ижодини ҳаётини параллеллар асосида кузатиш биографик методнинг муҳим талабларидан биридир. XX аср ибтидосида яшаб ижод этган ўзбек ёзувчилари ҳаётини ўрганишда бир қанча муаммолар юзага чиқади. Бу давр адиблар автобиографиясида мафкуравий талабларга мос “қолип”ларга солиш устувор кўриниш олган. Мавжуд ноҳуш ҳолатларни бартараф этиш, кемтикларни тўлдириш, фактларни оидинлаштириш зарур бўлиб, бунда биографик ёндашувга эҳтиёж туғилади.

1920–1930 йилларнинг бошида рус адабиётшунослигида “бадиий асарга биографик ёндашув” концепцияси маълум маънода етакчилик қилиб, Ғарб адабиётшунослигининг таъсири аниқ сезилади. 1927 йилда Г.Винокурнинг “Биография ва маданият” номли тадқиқоти чоп этилади. 1939–1940 йилларда “Адабиёт газетаси”да “Биографик жанр ҳақида” мавзуида катта илмий доирадаги мунозара бўлиб ўтади. Унда олимлар биографик асар ва унинг муаллифига нисбатан “матн ёки муаллиф”

¹⁴Фитрат. Ҳибат-ул ҳақойик// Маориф ва ўқитувчи, 1928. 8-сон; Ўша муаллиф. Муҳаммад Солих // Аланга, 1929. 10-сон; Ўша муаллиф. Ўзбек шоири Турди // Маориф ва ўқитувчи. 1929. 8-сон; Ўша муаллиф. Машраб // Илмий фикр, 1930. 1-сон.

¹⁵Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 86; Зиёдуллаева Н. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида): Филол. фан. ном.... дис. – Тошкент; 2000; Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008; Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006; Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011.

¹⁶Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 2003. Ўша муаллиф. Миртемир. – Тошкент: MERIYUS.2012. Ўша муаллиф. М.Шайхзода. – Тошкент: Шарқ, 2010.

тушунчасига турли ракурсдан баҳо беришди, ҳар хил қарашлар ва мулоҳазалар билдирилди, маълум ҳақиқатлар юзага чиқди. Адабиётда биографик жанрнинг ўзига хос жиҳатлари, авваламбор, муаллифларнинг масалага ёндашувида кўринади. Б.Эйхенбаум, В.Шкловский, Б.Томашевский, А.Потебня, Ю.Лотман каби олимлар ўз қарашларида биографик жанр билан бирга биографик метод ва биографик ёндашувнинг илмий-назарий асосларини белгилашга доир мулоҳазалари билан чиқишди¹⁷. Бундай катта илмий доирадаги баҳс муаммонинг кўлами ва долзарблигини белгилаб берган эди.

XX аср ибтидосидаги Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, жадиличлик ҳаракати, большевиклар тузумининг ўрнатилиши, 30-50 йиллардаги қатағонлар, узоқ йиллар ҳукм сурган шўро ҳукуматининг сиёсати ўзбек адибларининг ҳаёти ва ижодига жиддий таъсирини ўтказган эди. Шу боис сўнгги йилларда шўро даврида яшаб ижод қилган адиблар биографиясини холис нуқтаи назар ва янгича тамойиллар асосида ўрганиш, уларнинг ижодини биографик контекстда таҳлил этиш илмий аҳамият касб этди¹⁸.

Академик И.Султонов “Навойнинг қалб дафтари”¹⁹ китобида ижодкор-шахс биографиясидаги энг кичик деталаригача ўрганиб, фикрини ифодалаш ва далиллашда ундан жуда ўринли фойдаланган. Олимнинг мазкур асари бадиийлаштирилган ҳужжатли тадқиқот сифатида эътироф этилган.

Тадқиқотнинг ушбу фаслида Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш юзасидан бир қатор биографик характердаги манбалар мавзу доирасида саралаб олинди ва ўз даври муаммолари билан боғлиқ ҳолда ўрганилди. Аммо адибнинг шахсий архиви йўқ қилинганлиги, зиддиятли даврнинг қоронғулиги, манбаларнинг етишмовчилиги каби объектив ва субъектив сабаблар иккиламчи манбаларга таянишга, атайин беркитилган ҳодисаларни тўғри англаб, вазиятга холисона баҳо беришга ундайди. Тарихий-биографик ёндашувнинг ўзбек адабиётида илдизларига эга эканлиги ва унинг ўзига хос тамойиллари мавжудлиги ишимизнинг илмий таянчи бўлиб хизмат қилди. Абдулла Қодирий таржимаи ҳолида аниқ кўрсатилмаган, аммо муаллиф қаҳрамонлари ҳаётида бадиий акс этган биографик омиллар ёритилди, асар ғоясининг адиб ҳаётини принципларига уйғун намоён бўлганлиги далиллар асосида ёритилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Роман тафаккури шаклланишида биографик омилларнинг ўрни”** деб номланиб, унинг **“Психобиографик**

¹⁷ Эйхенбаум Б. М. О литературе: работы разных лет. – М.: Сов. писатель, 1987. – С. 36; Шкловский В. Б. Гамбургский счет: статьи – воспоминания – эссе (1914–1933). – М.: Сов. писатель, 1990. – С. 143; Томашевский Б. В. Литература и биография // Книга и революция. 1923. № 4 (28) – С. 6–9; Потебня А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С. 616; Лотман Ю. Биография живое лицо // Новый мир. 1986. №. – С. 36–42.

¹⁸Шарафиддинов О. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 1992; Каримов Н. Усмон Носир. – Тошкент: Шарқ, 1993; Ўша муаллиф. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 2003; Саидносирова З. Ойбегим менинг. – Тошкент: Шарқ, 1994; Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. – Тошкент: Ёзувчи, 1996; Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010; Куронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Жўракулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Тошкент: Университет, 2004.

¹⁹ Султон И. Навойнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.

босқичлар иждокор бадий тафаккурининг муҳим воситаси сифатида” номли биринчи фаслида иждокор шахсига биографик метод асосда ёндашув масаласи ўрганилган. Иждокор шахси илмий муаммо сифатида жаҳон адабиётшунослигида бир қадар тадқиқ этилган бўлиб, ўзига хос принциплари ишлаб чиқилган. Ҳар қандай бадий асар индивидуал фаолият маҳсули бўлиб, иждокда муаллифнинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Асар матнида бир қарашда билинмайдиган, аммо бошқалардан ажралиб турувчи муаллифнинг ўзига хос “бармоқ изи”ни сезиш қийин эмас. Бу “из” иждокор шахсига хос бир қанча белгили хусусиятларни ўзида жамлайди. Бундай “из”ларни ўрганиш учун иждокорга алоҳида биографик ёндашув талаб этилади. Биографик метод ёзувчи иждокчини ҳаётини тажрибаларининг ифодаси сифатида ўрганиш усулидир. Шу боис ёзувчининг табиати, ички дунёси, миждози, феъл-атвори, одатлари, кайфияти, фазилатлари, яшаш тарзи, руҳияти, иждокдий олами, тафаккур йўсини каби жиҳатлар унинг асарларига тадбиқан ўрганилади.

Бадий асарни биографик тизим асосида ўрганиш дастлаб XIX асрнинг биринчи ярмида француз илмий-адабий муҳитида пайдо бўлди. Биографик метод асосчиларидан бири Шарль Сент-Бёв ўз вақтида “... ҳар қандай иждок намунасини муаллиф шахсияти билан биргаликда ўрганиш лозим ²⁰ ёки “...иждокор шахсининг индивидуал ўзига хослиги адабиётшуносликдаги ҳал қилувчи омиллардан биридир”²¹, деган тезисни илгари сурган. Иждокор шахсини тарихий давр билан боғлиқликда тадқиқ этиш биографик методнинг муҳим талабларидан биридир. Ёзувчи таржимаи ҳоли ва иждокчини қатъий қоидалар асосида тартибга солиш қийин, “Иждок қилаётган одам жумбоқ, унинг ечимини топиш имконсиз”²² лиги боис рус адабиётшунослигида: уни қоидага бўйсунмайди,²³ деб ёзишган. Бундай асар таҳлилида иждокор ҳаётидаги номаълум сирлар, ҳаётини ва адабий фактлар, деталларни бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш талаб этилади. Биографик асар жанрини жанрлар ичидаги жанр деб аташ тўғрироқ бўлади. Биографик метод марказида инсон шахсияти бирламчи ўрин эгаллайди. Бу метод талабига кўра инсон табиат ато қилган “характер”, темперамент, тип, миждоз, феъл-атвор, аждодларидан маълум сифатларини ўзлаштирган, қисқаси, шахсиятнинг психологик жиҳатдан йиғма тўплами сифатида намоён бўлади.

Психобиография – психологиянинг методларидан бири саналиб, тарихий шахсининг ҳаёт йўли ва биографиясини психологик жиҳатдан тадқиқ этувчи усул ҳисобланади. Шахс ҳаётини ўрганишда психологик омилларга алоҳида эътибор қаратиши билан бошқа методлардан фарқланади. Абдулла Қодирий тафаккури ва дунёқараши такомилида Шарқ-Мусулмон маданияти ва фалсафаси қувват манбаи бўлиб хизмат қилган. Ёзувчи шахсий кутубхонасида сақланган ноёб дурдоналар бунга далил. Афсуски, бу

²⁰Сент-Бёв Ш. Литературный портреты. – М.: Худ. лит, 1970. – С. 6.

²¹Сент-Бёв Ш. Литературный портреты. – М.: Худ. лит, 1970. – С. 46

²²Юнг К. Психология и поэзия. – М.: Искусства, 1930. – С. 214.

²³Холиков А. Писательская биография: жанр без правил // Вопросы литературы. – М.; 2008, №6. – 53 с.

китоблар ёзувчи хонадонидан олиб чиқиб кетилган, қайтариб берилмаганлиги манбаларда қайд этилиб, уларнинг сони 70 дан ортиқ деб кўрсатилган²⁴.

Ёзувчи ижодида ислом маърифати ғояси алоҳида ўрин тутиб, бунинг бош сабабларидан бири унинг исломий шахсият сифатида эътиқод ва имонда собитлиги билан изоҳланади. Ислом маърифати ва диний қадриятлар яхлит тизим сифатида унинг романлари руҳониятига сингдириб юборилган. Ҳар бир воқелик, ҳолат, ҳар бир қаҳрамон, ота ва фарзанд, эр ва хотин, она ва ўғил, хўжайин ва хизматкор, хон ва шариат пешволари муносабатлари замирида ислом маърифати ва маданияти ўзининг мукамал бадий инъикосини топади. Романнинг энг жозибали ва таъсирчан саҳналарида ислом маърифати урғуланса, зиддиятли эпизодларда бидъат ва хурофотнинг кучайиши ҳамда диний ақидаларнинг бузилиши оқибатида юзага келган фожиалар бадий тасвир орқали ўзига хос ифодасини топганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ёзувчи ижоди билан боғлиқ манбаларни биографик омиллар кесимида саралаш давомида икки усул танланди: Биринчиси – Абдулла Қодирийнинг шахсан ўзи томонидан берилган маълумотлар. Булар жуда оз сонли бўлиб, ёзувчининг кичик асарлари, 1926 йилги суд ҳужжатлари ва ундаги маъруза матни, 1937 йилги тергов материалларида кўринади.

Иккинчиси – Абдулла Қодирий ҳақида ёзилган хотира йўналишидаги асарлар ҳамда замондошлари ва авлодлари томонидан йиғилиб, тўпланган аҳамиятга молик маълумотларга таянилади. Ҳ.Қодирий “Отам ҳақида”, “Отамдан хотира” асарларида Абдулла Қодирийнинг ўзи айтган ва яқин қариндошларидан эшитган хотираларини умумий мундарижа асосида шакллантирган. Ҳар бир нашрда маълумотлар ўзига хос тарзда “янгилаиб”, муаллиф давр босимини турли ишоралар орқали тасвирлайди. Ҳ.Қодирий хотираларида нафақат ёзувчи ҳаёти, балки унинг бадий тафаккури шаклланишида роль ўйнаган омиллар ҳам эътибордан четда қолмай, батафсил маълумот берилади. Ҳ.Қодирий “Қодирийнинг сўнги кунлари” (1989) хотира-қиссасида аввалги хотираларга нисбатан тўлиқ ва аниқроқ маълумотларга ўрин ажратган. Ушбу фаслда Ҳ.Қодирий асарларига кўшимча ҳужжатли манба сифатида Н.Боқийнинг “Қатлнома”, М.Абдуллаевнинг “Ўтганлар ёди”, Ш.Қодирийнинг “37-хонадон” асарларига ҳам эътибор қаратилди. Ижодкор шахси тафаккури шаклланишида биографик омилларнинг катта роль ўйнаши ушбу фаслда манбаларга таянган ҳолда асослаб берилди.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **“Роман тафаккури такомилда психогенетик категорияларнинг ўрни”** деб номланиб, унда ёзувчи бадий тафаккури шаклланишида муҳим роль ўрин эгаллаган психогенетик омилларга эътибор қаратилган. Ижодкор шахсини ўрганишда наслий омил, муҳит, шароит, истеъдод, қобилият каби факторлар бирламчи ўринни эгаллайди. Ижодкор шахсининг наслий сифатларини психогенетика фани

²⁴Боқий Н. Қатлнома. – Тошкент: Ф.Ғулом НМУ, 1992. – Б. 195.

ўрганади. Психогенетика (грек. *psyche* – қалб, руҳият, *genesis* – келиб чиқиши) – инсондаги ирсий ва ўзгарувчан психик ҳолатларни ҳамда психофизиологик хусусиятларини ўзаро алоқадорликда ўрганувчи фан соҳаси ҳисобланади. Инсон тафаккури мураккаб структурага эга. Уни яхлит ҳолда англаш ва билиш имконсиз. Табиатига кўра, инсоннинг қон ёдидан ўтиб келган тарихий хотирасида сақланган билим ва тажриба, унинг ҳаёт давомида тўлиб боради. Инсон наслий ва қон ҳақидан ҳеч қачон воз кеча олмайди. Ирсий омиллар ижодкор тафаккур тадрижида ҳал қилувчи компонент вазифасини бажариб келиши манбаларда қайд этилган²⁵.

Ижодкор шахсини ўрганишда дастлаб унинг миллати, оиласи, ота-онаси, ижтимоий аҳволи, наслий хусусиятлари ва оила тутимлари, эътиқоди каби факторлар муҳим роль ўйнайди. Абдулла Қодирийнинг ижодий камолатида отаси Қодирмуҳаммад бобонинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда Ш.Турдиев, С.Мирвалиев, Р.Тожибоев, У.Норматовлар мақолаларида ҳам фикр билдирилган²⁶.

Ёзувчи 1922 йилда “Отам ва большевик” номли ҳажвий йўсиндаги ҳикоясини ёзади. Унда отаси ҳақида батафсил маълумот бериб, давр муаммоларига отанинг нигоҳи орқали қарайди. Асарда киноя оҳанги етакчилик қилса-да, адиб отаси тилидан миллат ҳаётида юз бераётган фожиалардан сўзлайди. У отасини таништириш йўлида Туркистон хонларини номма-ном санайди, бешта хон, тўққизга яқин бекликлар, “...Хонлиқнинг бош нозир ва қўмондони ўрнида бўлганларидан Мусулмонқул ва мулла Алимқулларни кўрган, машҳур Ёқуббекни Қошғарға кузаткан”, “...Тошкандни руслардан мудофаа қилган қаҳрамонларнинг биридир”. Матндаги уч нуқта: “хонлиқнинг бош нозир ва қўмондони”, “мудофаада қатнашган қаҳрамон” бўлганлигига эътибор қаратилса, масала янаям ойдинлашади. Ота ўзи гувоҳ бўлган тарихий воқеаларни ўғилларига сўзлаб беришни яхши кўрган. Сухбатдошини тинглаш, воқеалар моҳиятини илғай олиш қобилияти ҳамда қайта ишлаш салоҳияти ёзувчида етарли даражада камол топишида, сўзловчи Қодирмуҳаммад бобонинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлган. Абдулла Қодирийнинг ҳар икки романида тарихий воқеалар етакчи ўрин эгаллайди, бунда ҳам Қодирмуҳаммад бобонинг ҳикоялари боғлаб турувчи ҳалқа вазифасини бажарган. “Ўткан кунлар” романи ёзилиш жараёнида Қодирмуҳаммад бобо зиёратига келган дўстининг ҳаёти ёки “Меҳробдан чаён” романи сўнгсўзидаги “отам марҳумдан” дейилган хотиралар ҳар икки асар учун “хамиртуруш” вазифасини бажарган. “Ўткан кунлар”даги “Эсини киргизди” фаслида “Мен – ёзғучи, «Ўткан кунлар» ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим” деган изоҳи ота хотираларининг адиб романларига пойдевор бўлганлигини тасдиқлайди. Қодирмуҳаммад бобо бир неча вақт бошқа юртдан мол олиб

²⁵Эмиль З. Собрание сочинений в 26 томах. – М.: Худ лит-а, 1966. Т. 25.

²⁶ Турдиев Ш. Абдулла Қодирий (ҳаёти ва ижоди) // Замоनावийлик ва маҳорат. – Тошкент: Фан, 1961. II том. – Б. 335; Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 115; Тожибоев Р. Чаён солиғи ҳақида эшитганмисиз // Шарқ юлдузи. 1994. - 9-сон. – Б. 141.

Шарқ юлдузи. 1994. 9-сон. – Б. 141; Норматов У. Қодирий мўъжизаси.– Тошкент: Ёзувчи, 2010. – Б.11.

келиб савдогарлик билан шуғулланган, шундай экан Отабекнинг савдогар бўлиб танланиши ҳам бежиз эмас. Абдулла Қодирийнинг шахс ва ижодкор бўлиб шаклланишида аҳамият касб этган оила тутуми, ислоний муҳит, ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, омондорлик каби фазилатлар, отанинг авлодлардан болаларига қолдирган маънавий мероси бўлиб ўтди. Ёзувчининг онаси Жосиятбибининг отаси Азиз сўфи ҳам Тошкент ҳокими Азизбек қўлида сарбоз бўлиб, Қодирмуҳаммад бобонинг жангларидаги сафдошларидан биридир. Аниқки, қариялар ўзаро йиғинларда жангу жадаллар, қаҳрамонликлар ҳақидаги кечмишларини эслашган. “Ўткан кунлар” романидаги “Тошканд камалда”, “Азизбек” фаслидаги жанг тасвирларида ўша хотираларнинг бадиий ифодасини кўрамиз. Демак, Абдулла Қодирий ҳар икки бободан хон замонларидаги ҳарбийларга хос интизомни, тартибни, ҳушёрликни ўзлаштирган. Кекса ҳарбийлар ўзларини қаҳрамон деб билишган ва жанговар юришларни ғурур билан хотирлашган. Бободаги миллат тақдири билан боғлиқ ғурур ва ор масаласи ёзувчининг кичик асарларидан йирик асарларига кўчиб, турли образларда ўз аксини топди.

Отасининг сирли саргузаштларга бой суҳбатлари Абдулла Қодирийнинг дунёни англаш, образли мушоҳада, бадиий тафаккури шаклланишида “ундирги” вазифасини бажарган. Бу каби гурунлар воситасида ёзувчи халқ тили оҳанги мағзини, “шира”сини ўз асарларига ўзлаштиришга эришди. Бундай суҳбатларнинг дастлабки бадиий самараси “Жинлар базми”, “Улоқда” ҳикояларида кўринади. Айниқса, “Жинлар базми”даги бола образи воситасида ёзувчи болалигидаги хаёлий хотираларини бадиий тасвирда ифодалашга эришган. Қодирмуҳаммад бобо халқона оҳангни, халқ оғзаки ҳикоячилик санъатини мукамал даражада ўзлаштирган бўлиб, тарихий афсона, ривоят, хон ҳарами билан боғлиқ ишқий саргузашт воқеаларни сўзлаши баробарида ижодкор учун бевосита информатор – ахборотлар мажмуасини етказиб берувчи шахс функциясини бажарган. Отабекнинг адолатли давлат тизими, юрт бошқарувини орзу қилиши, биринчи навбатда, ёзувчи орзу-армонларининг ўзига хос кўриниши бўлиб, дастлабки умид ниҳоллари Қодирмуҳаммад бобо томонидан ижодкор қалбида парваришлаб ундирилган.

Ушбу фаслда ёзувчи тафаккур тадрижидаги муҳим омиллар ўрганилиб, илк романнинг пайдо бўлиши сабаблари изоҳланган. Бунда биринчи навбатда ёзувчи ижодий тақомилига катта таъсир кўрсатган омиллар эътиборга олинган. Булар: а) ёзувчи эпик тафаккурида психобиографик омиллар; б) ижодкор шахси тақомилида психогенетик унсурлар; в) Қодирмуҳаммад ота – миллат тарихининг улкан ровийси; г) тарихий асарларни чуқур ўрганиш; д) янги ўзбек насрида шаклий изланишлар; е) ғарб романчилиги асосида асар яратиш ҳаваси; ж) хотираларга мос шакл топиш ва Туркистон хонлари тарихини кўрсатиш.

Учинчи боб “**Эпик тафаккур тадрижи ва ижодкор шахси муаммоси**” деб аталиб, унинг фаслларида ёзувчининг замондошлари билан боғлиқ маълумотлар ва тарихий-сиёсий вазият, адабий жараёндаги

воқеликлар зиддиятли ҳолатлар кесимида ўрганилди. **“Тарихий жараёнда ижодкор шахси ва ижтимоий идеал талқини”** номли биринчи фаслида ўтган асрнинг бошидаги шўролар ҳукуматининг сохта сиёсати, миллат онгида иккиланишларни юзага келтирганлиги ва халқнинг ёлғонлар гирдобидида қолганлиги, бундай талотўпларнинг Абдулла Қодирий ҳаётига, ижодига таъсири масалаларига тўхталинган. Ижодкор шўроларнинг сиёсий найранглари, инқилобий ҳаракатлар айна кучайган мураккаб даврда ижод қилди. Дастлаб, адиб бошқа зиёлилар сингари ҳукуматга ишонгандай кўринди, умидланди, аммо уни улуғламади. “Шодмарг” (1917) ҳикоясида қаҳрамоннинг инқилобдан хурсандлигидан юраги ёрилиб кетиши бир оз шубҳали, мулоҳазали. Ёзувчи қизил империянинг найранглари сергаклик ва ишончсизлик билан қабул қилди. “Тинч иш” (1920) ҳикоясида ҳам ёзувчининг тағдор пичинглари, кесатиклари қаҳрамонга жон бағишлайди. Ҳикоя “Энди бу зот ҳам уламолардан бири эди”, деб бошланишиёқ ўқувчини мушоҳадага чорлайди. Шариф Охунд диний олим, зийрак сиёсатчи, дунё маданияти ва тарихини яхши билувчи шахс сифатида тасвирланишининг ўзиёқ шўроларнинг “диндорлар саводсиз, маданиятсиз” деган иддаоларини рад этади. Шариф Охунд образи орқали адиб инқилобий тўнтаришлар даврида тузум сиёсатининг махсус найранглари оқибатида йўлини йўқотган кимсалар қиёфасини яратди. Жулқунбой ўша давр ўзбек матбуотида мавзусига кўра: ижтимоий-сиёсий; маориф ислоҳоти; театр санъати; қишлоқ ҳаёти; озиқ-овқат муаммоси; диний жаҳолатга қарши; матбуот муаммоси каби масалаларда қалам тебратди. Кейинчалик ҳукуматнинг сиёсий идораларида чора-тадбирлар халқ учун эмас, давлат учун ёки кимларнингдир фойдасига ҳал бўлаётганини кўрган ёзувчи йўлини айириб олишга мажбур бўлди.

Ёзувчи сийратида икки йўналишли ижодкор: фош қилувчи кескир мақолалар муаллифи – Жулқунбой, романлари билан халқ кўнглидан жой олган – Абдулла Қодирий бўй кўрсатди. Жулқунбой замон муаммоларини ифодалашда ўта истехзоли кинояни танлайди. Баъзи ўринда ҳолат ва кайфиятга кўра муносабатларда ҳиссиётга берилган ўринлар ҳам йўқ эмас (“Тилак”, “Туркистон” (1923), “Шаллақи”, “Ўжар кўр”, “Қизил Ўзбекистон” (1925)). Бу ҳолат ёзувчи табиатидаги ўзига хос мураккабликни, зиддиятни кўрсатади. Ижодкор шахсидаги зиддиятлар ва ўзига етарли даражада ишонч ҳисси адибни бошқалардан ажралиб туришига, танқидга, таъқибга, тақиқга учрашига сабаб бўлди. Жулқунбойда муаллиф шахсиятининг нуқтаи назари очикроқ ошкор этилса, ёзувчи – Абдулла Қодирий романларида эса поэтик кўлам, роман тафаккурининг ўзига хос бетакрорлиги намоён бўлади.

Миллий уйғониш даврида янги ўзбек адабиётида чин маънода шакл ва мазмун жиҳатдан жанрий янгилианишлар: фелъетон, ҳикоя, қисса, роман каби турлар аста-секин кириб кела бошлади. Абдулла Қодирий “Жувонбоз”ни (1915) “рўман” деб эълон қилди. Абдулла Қодирийгача М.Шермухамедов (“Бефарзанд Очилдибой”, 1914) ва Ҳамза (“Янги саодат ёки миллий роман”, 1915) ҳам роман жанрига қўл урган эди. Адабий жараёнда чинакам роман

намунасини яратиш, жанр атамаси ва унинг мезонларини изоҳлаш ечимини кутаётган масалалардан бири бўлиб турар эди. Абдулла Қодирий ана шу бўшлиқни тўлдирди. “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби романлари билан ўзбек адабиётида илк роман жанри намунасини яратди, жанр мезонларига мос келадиган улгуни мутахассислар ихтиёрига ҳавола қилди. Лекин шўролар томонидан адабий шахсиятларнинг йўқ қилиниши жамиятга, маданият ва адабиётга жиддий таъсир ўтказди. Ёзувчининг Отабек, Юсуфбек ҳожи, Анвар каби бетакрор қаҳрамонларидан сўнг ўзбек насрида идеаллик тушунчасининг мазмун-моҳияти ўзгарди, адабий мезонлар янгиланди. Илдизидан узилган адабиёт сохта ғояни идеалга айлантиришга маҳкум этилди, идеалсизлик, маслакисизлик адабиётни тарғибот воситасига айлантирди. Авваламбор, жамият, сиёсат устидан кулган ёзувчи авом оломон устидан кулади, керак ўринда ич-ичидан ўкинади, охирида армон нафратга айланади, бориб-бориб ҳатто ўзининг аҳволидан ҳам кулади (Калвак Махзум, Тошпўлат тажанг, Шарвон хола).

Тарихийлик нуқтаи назаридан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек яшаган давр орасидаги масофа унчалик катта бўлмаса-да, ҳали уларнинг ҳаёти, ижоди билан боғлиқ очилмаган ва англалмаган номаълум саҳифалар талайгина. Ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди, турмуш тарзи қиёсан ўрганилганда, орада ўхшаш ва фарқли жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Авваламбор, бу эътиқод, тутумлар, ҳаётининг мезон, ижоддаги бетакрорлик каби хусусиятлар орқали намоён бўлади. Абдулла Қодирийнинг эстетик идеали давр зиддиятлари орасида ўзлигини англаб етиш умидида курашаётган шахс сифатида гавдаланса, Чўлпон ижодида ижтимоий муаммоларини қисматига айлантирган инсон эстетик идеал даражасига кўтарилади. Ойбекнинг эстетик идеали эса кўнгил кишиси, адолатпарвар қаҳрамон сифатида бўй кўрсатади.

“Абдулла Қодирий ижодининг жанрлараро услубий такомиллашуви” деб номланган фаслида ёзувчининг ижодий биографияси шартли равишда тадрижий босқичларга бўлиб ўрганилган. Ёзувчи ижодининг илк давридаёқ жамиятнинг бутун ижтимоий муаммоларини адабиёт муаммоси деб тушунган, зеро унинг учун санъат, тарих моҳиятан ўзаро ажралмас фалсафий тушунчадир. Абдулла Қодирий адабий турларнинг шеър, драма, ҳикоя, қисса, роман жанрларида ижод қилди. Ўзбек матбуотининг шаклланишида Абдулла Қодирий публицистикасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ёзувчи ижодида икки муҳим ғоявий йўналишни қайд этиш лозим. Биринчиси, ижтимоий муаммолар, иккинчиси, диний хурофот ва жаҳолатга қарши кураш мавзуси. Ҳар икки йўналиш унинг шеърини намуналаридан тортиб, йирик жанрдаги асарларигача ўзаро боғлиқ тарзда намоён бўлади. Фаслда Абдулла Қодирийнинг адабий мероси мисолида ижодий ва инсоний қиёфа уйғунлиги, ижодий “мен”нинг ижтимоий “мен”га айланиши жараёнидаги руҳий ҳолатлар таҳлил этилди.

Абдулла Қодирийнинг ижтимоий ва адабий биографиясини кўздан кечириб, уни шартли равишда қуйидагича таснифладик:

1. *Илк изланишлар даври (1914–1917 йиллар)*. Ёзувчи меҳнат фаолиятини ўн икки ёшидан бошлайди. Ижодкорнинг жамиятга мослашув жараёнидаги *илк бурилиши* бевосита уни ишга ёллаган савдогарнинг “Ўрисча ёзув-чизув”ни биладиган одамга муҳтожлиги “таъма”сида уни ўрис мактабга юборишидан бошланади. Бу адиб ҳаётидаги жиддий воқеа, ҳали шиддатли жанрларнинг завқидан айрилмаган, кофирлардан хайрлик кутмаган ҳамда уларга қарши жанг қилган кекса ота учун фарзандининг (А.Қодирий – С. Т.) рус-тузем мактабига бориши фавқулодда воқелик эди. Чунки, маҳаллий аҳоли “Ўрус бўлиб кетади” деб, боласини бу мактабга юбормайди. Иқтисодий зарурат ва вазиятни тўғри илғай олиши ҳамда воқеликка мантиқий баҳо бериш туфайли адиб мазкур мактабда ўқийди. Унинг тузем мактабида ҳаёти давомида ўзига идеал деб ҳисоблаган – Алижон домладан сабоқ олиши ҳаётидаги *иккинчи бурилиши* дейиш мумкин. *Учинчиси*, 1912 йилдан “эллик сўм баробарига приказчик” бўлиб Расулмуҳаммадбой хонадонига бориши эди. Бу унинг таржимаи ҳолида алоҳида ўрин тутиб, ижтимоий ва шахсий ҳаётида ўзгариш даври ҳисобланади. Расулмуҳаммадбой ўз даврининг миллатпарвар ва саховатли, диёнатли сармоядорларидан бири саналган. Бой хонадонига савдогарлар, маҳаллий тадбиркорлар ўртасидаги қизғин суҳбатлар, матбуот билан танишиш ёзувчи учун бевосита ахборот манбаи бўлди. Шунинг самараси сифатида “Янги масжид ва мактаб” (“Садои Туркистон”. 1914.1.04.) ва шеърларини, “Жувонбоз” ҳикоясини келтириш мумкин. 1915 йилдан Расулмуҳаммадбой хонадонидан кетиши адиб ҳаётидаги *навбатдаги бурилиши*, унинг учун маълум маънода руҳий юксалиш даврининг бошланиши ҳисобланади. Бу даврда Абулқосим мадрасасида Усмонқори домладан араб ва форс тилларини ўрганиб, ўз даврининг етук билимдони Алижон домла раҳбарлиги остида Қуръондан сабоқ олади.

2. *Шаклланиш жараёни (1918–1936 йиллар)*. 1917 йил “Озиқ комитети”га ишга кириб, матбуот орқали жамият ҳаётидаги иллатларни фош қилувчи мақолалар билан эътиборга тушган Жулқунбой *хурриятдан умидланди*, кучини шунга сафарбар қилди. У “Озиқ ишлари” газетасининг муҳаррири (1919), Касаба шўросининг саркотиби (1920) ва таниқли журналист сифатида фаолият юритди. Шўроларнинг асл мақсадини англаган ёзувчи руҳиятида ҳукуматга нисбатан *иккиланши*, *гумон ишончсизлик* юзага келади. Айниқса, Туркистон мухториятининг тор-мор этилиши кўпгина хур фикрли зиёлилар каторида ёзувчини ҳам бефарқ қолдирмади, ундаги *гумон хавотирга* айланди. Абдулла Қодирийнинг фаолиятини теран назар солинса, кўнглида *ички инқилоб* ясаган муаллиф “мен”ини кўриш мумкин. Жамиятдаги талотўплар ва инқилобий тўнтарилишлар ёзувчини янада сергак ва зийракроқ бўлишга ундади. Унинг 1917–1918 йиллардан бошлаб “Ўткан кунлар” романига материал йиғиш ва ёзиш билан бандлиги ҳисобга олинса, масала янаям ойдинлашади. “Бизда аскарлик масаласи”, “Бизда театру ишининг бориши”, “Бозор суриштирмайдир”, “Тинч иш” каби мақолаларда адиб дунёқарашидаги маърифий жиҳатлар ойдинлашиб боради.

Ижтимоий-сиёсий вазият, давр зиддиятлари, адабий жараёндаги баъзи ёзувчиларнинг замона зайлига мослашиши адибни янаям хушёрликка чорлаб, адиб фикр айтишда ниқобланишга мажбурият сезади. Бу жараёнда давр мафкуриси талабларига ўз-ўзини кўндира олмаган, мослашишдан ўзини асраган ёзувчи “мен”и йилтиллаб кўринади. Мазкур босқич адиб ижодий фаолиятининг энг чўққисига кўтарилган палласи ҳисобланади. Тириклик моҳиятини англаб етган, адабиёт майдонига “шаҳси бутун” бўлиб кирган ёзувчи ўзлигини ифодалашда роман жанр имкониятларидан самарали фойдаланди, мақсадини тимсолларга жойлади. 1924 йили Абдулла Қодирий Москвадаги Адабиёт институтида таҳсил олади ва у ердаги фаолияти ёзувчи ҳаётидаги номаълум саҳифалар сирасига киради. Адиб “Муштум” журналидаги (1923) фаолияти билан ҳажвий жанрларнинг устаси сифатида танилади, талай ҳажвия, фельетон, шунингдек, “Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида” ва “Тошпўлат тажанг нима дейдир?” (1923–1927) ҳикоялар туркумини эълон қилди. Ҳар икки туркум ёзувчи руҳиятидаги *эвриллишлардан* хабар беради. Мазкур фаслда ёзувчи адабий турларнинг барча жанрларида имконини синаб кўрганлиги, унинг ижоди критерийлари бадиий-эстетик жиҳатдан шаклланганлиги ҳамда буларнинг барчаси роман тафаккури тадрижида аҳамият касб этганлиги мисоллар ёрдамида очиб берилди.

Тўртинчи боб **“Романда эстетик идеал ва адабий қаҳрамон уйғунлиги”** деб номланиб, икки фаслдан таркиб топган. **“Роман концепциясида қаҳрамон ва эстетик идеал муносабати”** номли биринчи фаслида Қодирийнинг бадиий-эстетик концепциясидаги асосий хусусиятлар тадқиқ этилган. Шарқ-мусулмон халқларида комиллик ахлоқий-эстетик идеалнинг олий мақоми саналади. Пайғамбарлар, саҳобалар, улуғ авлиёлар, буюк зотларнинг ҳаёти Туркистон халқлари учун ибрат, тўғрироғи, идеал ва намуна вазифасини бажарган. Исломиий маданият ва маърифатнинг ворислари бўлмиш Туркистон зиёлилари ижодида салафлари анъаналарини давом эттириб, уларнинг ахлоқий идеалини ўзига эстетик идеал деб билдилар. XX аср ибтидоси шўролар даврига келиб адабий мезон ва талаблар билан бирга идеаллар ҳам янгиланди, сохта ва ўткинчи идеал қаҳрамон адабиётнинг кўркига айланиб, мавжуд ахлоқий-эстетик идеал ижтимоийлашув томон юз бурди.

Бадиий адабиётда ижодкорнинг ғоявий нияти, инсон ва жамият ҳақидаги тасавури, дунёқараши бадиий тафаккур билан уйғун тарзда намоён бўлади. Бу эса ижодкор эстетик идеалини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. “Идеал ҳамма вақт ҳам борлиқдаги мавжуд реаллик билан мос бўлмаслиги мумкин, мос бўлмайди ҳам. Халқ ўзининг олий даражадаги миллий идеалини яратар экан, нафақат идеалга нисбатан муҳаббатни, балки ўзи яшаётган тузумга нисбатан нафратини ҳам ифодалайди”²⁷. Олим таъкидлаганидек, идеал ўзида икки жиҳатни жамлайди: идеалга нисбатан ёзувчи симпатияси ва тузумга нисбатан антипатиясини умумлаштиради. Эстетик идеал

²⁷Лихачев Д. Заметки о русском // Новый мир. – М., 1980, № 3. – С.32.

умуминсоний ва миллий, маърифий-ахлоқий, ижтимоий, маданий характердаги фалсафий моҳиятга эга тушунча. Эстетик идеалга конкрет тарихий вазият, макон ва замон нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқ лозим.

Абдулла Қодирийнинг адабий-танқидий, эстетик концепциясини белгилашда бир қанча жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Бунда, албатта, ижодкор шахси, тафаккур тарзи, дунёқараш каби масалалар бирламчи аҳамият касб этади. Ёзувчининг ўтган аср йигирманчи йиллар матбуотидаги адабий-эстетик фаолияти ўзбек адабиётида танқидий тафаккурнинг янги босқичи юзага келишга хизмат қилди. Адиб сийратини маърифий томондан нурлантирадиган жиҳатлардан бири Шарқ-мусулмон маданияти ва фалсафаси бўлса, иккинчидан, ислохотчилик ҳамда маърифатпарварлик ғояларини тадбиқ этишга фаолиятини бағишлаган шахс эканлиги билан боғлиқдир. Ушбу фаслда Қодирий исломий аҳкомларга риоя қилган шахсият сифатида яшаган, фаолият юритганлиги ва бу, ўз навбатида, унинг ижодига жиддий таъсир ўтказганлиги манбаларга таянган ҳолда мисоллар асосида очиб берилди.

Маълумки, ҳар бир давр анъанавий равишда ғоя ва мезонлари билан бирга идеалларини ҳам янгилаб боради. Халқ дардини теран англаш, миллатнинг маънавий таназзулга юз тутиш сабаблари, жаҳолат ва хурофотга барҳам бериш, диний қадриятлар тизимининг шикаст топиши каби муаммолар ёзувчи ижодий концепциясининг туб асосини ташкил қилади. Абдулла Қодирий кичик жанрдаги асарлари моҳиятига сингдирилган мазмун ва ғоядаги халқпарварлик, ҳақиқат ва адолатни тиклашга интилиш туйғуси романларида ўзига хос шакл ва мазмунда аксини топди. Ижодкорнинг публицистик асарларидаги *иккиланиш ва умидворлик* оҳанги кейинчалик *нафрат ва армонга* айланди. Калвакнинг фожиаси жоҳиллик ва хурофотда бўлса, Тошпўлатнинг ҳар бир тажанглиги шўро ҳукуматнинг янги бир қарорига муносабат тарзида жаранглайди. (1921– 1922 йилларда “Ер-сув ислохоти”, 1925 йилда ҳукуматнинг косиб-ҳунармандларга катта миқдордаги солиқлари, 1924 йилдаги пул ўзгариш сиёсати). Калвак, Тошпўлат, Обид кетмон каби қаҳрамонлар адиб “мен”ининг парчалари сифатида ўзида ёзувчи идеалини умумлаштиради ҳамда улар табиатидаги ўжарлик, ўзига ишонча адиб шахсиятининг айрим белгилари кўзга ташланади.

Ёзувчи Отабек, Юсуфбек ҳожи, Анвар мисолида ахлоқий-ижтимоий идеалнинг бетакрор қиёфасини яратишга муваффақ бўлди. Ҳар бир идеал ўзида муаллиф ғоясини ташийди, Юсуфбек ҳожи – ғоя, Отабек – ғоя, Анвар – ғоя, Солиҳ Махдум – ғоя, Абдурахмон – ғоя. Юсуфбек ҳожи образи серқирра ва серқатлам: имонли ҳожи, элпарвар мушовир, маърифат соҳиби, андишали эр, мулоҳазали ота. Адиб Отабек образини икки қутб орасида тасвирлайди. Биринчиси, Отабек иқтисодий ва давлатчилик тизимида ислохотлар тарафдори бўлса, иккинчиси, комил инсон, маърифатли дўст, чин ошиқ. Романда шахс, оила ва никоҳ, ота-она орзуси каби тушунча марказий муаммо даражасига кўтарилади. Отабек ислохотчи – инқилобчи, Юсуфбек ҳожи –

юртпарвар, Анвар эса мустақил қарашлар соҳиби ва “мияси муҳокамага қобил” шахс сифатида бўй кўрсатиши ёзувчи ҳаётий концепциясининг ўзига хос тимсолда аксланишидир.

Адиб 1926 йилда “Меҳробдан чаён” романини ёзиш баробарида мавзу ҳамда услубий воситалар ва тасвир кўламини кенгайтиришга, образ танлаш ва характер яратиш борасида анъанавий қолипларни янгилашга эришди. 1926 йилги суд воқеалари шахсан ўзи ҳаётида учратган мунофиқ кимсалар билан тўқнашув уни яна бир марта хушёр бўлишга чақирди. Адиб суд жараёнида шахсий адоват туфайли мунофиқ кимсаларга шахсан дуч келди, жабр чекди, хўрлик кўрди, қаттиқ кураш остида адолатни тиклади. Мана шу эҳтиёткорлик “Меҳробдан чаён”да ўзгача усулда бўй кўрсатди. Адиб эҳтиёж ва эҳтиёткорлик кесишмасида роман сўзбошисида очиқчасига асарнинг мавзуи ҳақида баён қилди. “Ўткан кунлар” романидаги андиша ва иккиланиш ўрнини “Меҳробдан чаён”да сиёсий хавотир эгаллаган дейиш мумкин. Абдулла Қодирий инсон, шахс, жамият, бурч масаласини инсоннинг миллати ва юрти олдидаги мажбурияти деб тушунди. Мазкур фаслда “Ўткан кунлар” романидаги Кумуш образининг прототипи Ойкумуш исмли қозоқ келинчак эканлиги, у бу ҳақда отаси Қодирмуҳаммад бободан эшитганлиги фактлар асосида ёритилди. Кумуш образи Ойкумуш тимсолида ёзувчи тафаккурида роман яратилгунга қадар “қолип”, модель сифатида яшаганлиги ҳаётий мисоллар ёрдамида далилланди. Қодирий таржимаи ҳолида “ёпиқ” нуқталардан бири сифатида татар миллатига мансуб Амина исмли аёл билан боғлиқ маълумот ва унинг адабиётшуносликдаги талқинларига эътибор қаратилди.

“Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон параллелизми” деб номланган иккинчи фаслда ҳаётий воқеликнинг бадий борлик сифатида бўй кўрсатиши, муаллиф шахсидаги характерли хусусиятларнинг қаҳрамонга кўчиб ўтиши масаласи тадқиқ этилди.

Бадий асар қаҳрамони ўз иерархиясига эга бўлиб, асар яратилгунга қадар ҳар бир образнинг модели, қолипи ижодкор тафаккурида узоқ вақт яшайди. Бадий асар яхлит лисоний бирлик бўлиб, образлар таркиби турлича ва ҳар бир иштирокчи маълум маънода ўз функциясига эга бўлади. Персонажларнинг ҳар бири муаллиф билан қандайдир маънода яқинлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Ҳар бир қаҳрамон маълум маънода ёзувчининг “бўлаклари”, таффакурида мавжуд ғоянинг турли шаклдаги кўриниши, тимсоли демакдир. Муаллиф характерни ёритишда умумийликдан хусусийлик томон бориб, асар ғоясига мос равишда зарурий ўринларга урғу берди ва энг муҳимларини саралаб, бетакрор образ яратишга муваффақ бўлди. Бальзак таъбири билан айтганда, “бировдан елкасини, бошқасидан қўлини ва бошқа аъзоларини” олди. Ижодкорнинг шахсий кечинма ва тажрибалари ижодида, қолаверса, ҳар бир асар сюжетини шакллантиришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Олам ва одамга яхлит – Ягона универсум деб қараш, улар орасидаги уйғунликни англашга уриниш, инсонни табиатнинг бўлаги, яъни бутуннинг

қисми сифатида қараш, ҳодисанинг моҳиятини ўрганиш муҳим масалалардан бири саналади. Олам ва одам бирлигини англаш йўлида қиёс, муқоёсага эҳтиёж сезилади. Абдулла Қодирий шахсидаги вазминлик, мулоҳазакорлик, жасорат, имон-этиқодига собитлик, “муҳокамага қобиллик” каби хислатлар Отабек, Анвар, ҳатто шўро мафкураси талабига кўра яратилган мулла Обид образининг ҳам етакчи фазилатидир. Адиб шахсияти ҳар уч образ учун ҳам асос бўлувчи ва ўзаро боғловчи ҳалқа вазифасини бажарган, зарур ўринларда уларга донорлик қилган.

Бадиий образ ўзга орқали ўзини акс эттириш демакдир. Ижодкор темпераментидан, мижозидан, табиатидан, миллий ўзлигидан, эстетик дидидан келиб чиққан ҳолда образга ёндашади. Ижодкор шахси қанчалик серқирра ва бутун бўлса, у яратаётган образлар ҳам шунчалик мураккаб характердаги қиёфа касб этиши аниқ. Қолаверса, ўзи эркин, озод – ичи бутун мустақил шахснинг ҳаётга, жамиятга муносабати, идрок тарзи бўлак, давр сиёсатига нисбатан исёни ҳам ўзгача бўлиб, қаҳрамон характерида муаллиф табиатидан кўчиб ўтган жиҳатлар етакчилик қилиши тайин.

Шахсият масаласи ёзувчи ижодида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, шахслик мақоми ёзувчи учун ҳаётининг мезон вазифасини бажарган. 1926 йил суд воқеаларида муаллиф томонидан тартибга келтирилган маъруза матни жуда қимматли манба ҳисобланади. Маърузада адиб ўзининг судланиш сабабини “шахсий адоват” туфайли бўлганлиги алоҳида қайд этиб, шахс сўзини турли маъноларда қўллаган. “Шахсий адоват”, “шахсий роҳати йўлида”, “баъзи устолпараст, танпараст шахсларимиздан киноядир”, “шахсий ҳазил”, “шахсий бутунлик”, “мустақил шахс”, “шахсини кўра олмайсиз” (шахси ноаниқ – С. Т.), “мен турлик бўҳтон, шахсият ва сохталар” билан “бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим”, деб ёзади. Ёзувчи ўзига қўйилган айблов “унинг “Йиғинди гаплар” мақоласи учун эмас, балки шахсига нисбатан эканлигини тўғри англаган ва нутқида асосий эътиборни шахсий муносабатлар масаласига қаратган. Ушбу фаслда Қодирийнинг суддаги нутқи, Отабекнинг Худоёрхон олдидаги нутқи ва Анварнинг дор остидаги нутқи ўзаро қиёсланиб, матндаги доминант сўзлар таҳлил этилди. Отабек идора усулини ислоҳот қилишни орзуласа, Анвар ўзгаларга орзу бўлган мирзабошилиқ амалини беписанд қабул қилади. Анвар ўрда ҳаётини “ифлос иш”, деб баҳолайди, ўзининг “виждонсизлик учун яратилмаган”лигини таъкидлайди. Отабекнинг ўзига ишончи ва улуғворлиги, Анварнинг эркинликни қадрлаши асли ёзувчи шахсиятидаги ўзига хос белгилар билан ўзаро туташиб кетади.

А.Қодирий феномени йирик адабий шахсият сифатида адабиётшуносликда жуда кўп тадқиқот ва талқинларга асос бўлиб хизмат қилади. Боблар сўнгида умумлаштирувчи хулосалар ҳавола этилди.

ХУЛОСА

Инсон ўзида илоҳий, руҳий биологик ва ижтимоий ибтидони жамлаган мураккаб мавжудот. Энг қадимий ёзма манбалар ва пайғамбарлар ҳақида яратилган “сийрат”лар ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида биографик унсурлар турли даражада акс этган. Инсон шахсини олам ва одам бирлиги асосида талқин этиш кўп асрлик миллий адабиётимиз тарихида учрайдиган тарихий-бадий ҳодиса саналади. Унинг англаш ва англатиш, ўзлигини ифода қилиш мақсадида бадий ижод томон юзланиши ижодкорликнинг юзага келишига замин бўлган.

Ижодкор шахси муаммоси адабиётшуносликнинг категорияларидан бири сифатида илмий-назарий методлар асосда ёндашувни талаб қилади. Адабий-тарихий жараёнда ижодкор шахсига ёндашув юзасидан Г.Винокур, В.Жирмунский, В.Шкловский, А.Потебня, Ю.Лотман каби олимлар орасидаги илмий баҳс-мунозараларда биографик ёндашувнинг илмий-назарий асослари белгилаб олинди. Ўзбек адабиётшунослигида А.Фитрат, А.Саъдий сингари олимлар ижодкор шахси ҳаёти, ижодини бир бутунликда ўрганиши баробарида биографик ёндашувнинг дастлабки изланишларини олиб боришган. Биографик ва психобиографик метод ижодкор-инсон: ижодий “мен” ва инсоний “мен”ини кенг қамровда ўрганиш, турли ракурсда кузатиш, руҳий ҳолатларини англашда энг асосий восита эканлигини қайд этиш лозим.

Адабий турнинг барча жанрларида ижод қилган Абдулла Қодирийнинг дастлабки шеър ва ҳикояларида жадид маърифатпарварлиги ғоялари етакчилик қилади. Инқилобий ўзгаришлар даври ижодкор олдига ўзгача талаб ва янгича идеалларни яратиш вазифасини қўйди. Адабий мезонларнинг янгиланиши ёзувчи ижодий концепциясининг ижтимоий аҳамият касб этишига олиб келди. Натижада, ёзувчи ижодий концепциясида эстетик идеалнинг ижтимоий аҳамият касб этиши кузатилади. Абдулла Қодирий ижодида давр зиддиятларини очиб берди ва ахлоқий-ижтимоий идеалнинг мукамал намунасини яратишга муваффақ бўлди.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарлари умумруҳониятида ислом фалсафаси ва маърифати туб асос сифатида намоён бўлади. Инсон эзгу ишлар учун яралган муқаррам зот, у тақиқланган ишлардан юз ўгирмоғи лозим. Акс ҳолда бунинг қандай фожиаларга олиб келиши роман ғоясини ёритиб беришда алоҳида ўрин тутади. Миллатнинг парокандаликка учраши, хонлик тузумидаги сиёсий-маънавий инқироз, Туркистоннинг Россия империяси қўлига қарам бўлиши, асар қаҳрамонлари тақдирида роль ўйнаган омилларнинг барчасида иқтисодий-маънавий таназзул ва диний жаҳолат бош сабаб сифатида кўрсатилади. Ёзувчи романлари мисолида миллий-исломий талқинга асосланган роман структурасининг мукамал бадий қурилмасини яратишга муваффақ бўлди.

Ижодкор-инсон ўз навбатида ижодий “мен” ва биографик “мен” каби тушунчаларни ўзида умумлаштиради. Ижодкор “мен”идаги ўзига хослик, бетакрорлик, эстетик идеал ва поэтик мезонлар асосида қаралганда,

биографик “мен” ўз-ўзидан кейинги ўринга ўтади. Биографик “мен” ижодий “мен”ни чуқурроқ англашда очқич вазифасини бажаради. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, биографик ёндашувни мутлақлаштириш, муаллиф ва қаҳрамонга аён деб қараш мақбул эмас. Ҳар бир асардан биографик унсурни қидириш, таҳлилни шунга боғлаб қўйиш адабиётни моҳиятидан узоқлаштиради.

XX аср ибтидоси ижодкорлари биографияси ўзининг мураккаб ва зиддиятларга бойлиги билан кейинги давр адабиёти вакиллари биографиясидан кескин фарқ қилади. Абдулла Қодирий яшаган даврга тегишли тарихий ҳужжатларда талқиндаги чалкашликлар, воқелиқдан кўз юмиш, тадқиқотларда вазиятга мослашиш каби ҳолатлар мавжуд эди. Хусусан, Абдулла Қодирий биографиясидаги мавҳум нуқталарни англаш, ойдинлаштириш учун ижодкор яшаган давр ва адабий муҳит, унинг руҳий-маънавий дунёсига яқинлашиш, муаллиф ғоясини бадиий-эстетик концепцияга бўйсундириши каби масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон масаласи ўзаро боғлиқ ҳодисадир. Демак, адабий қаҳрамон муаллифнинг бир “бўлаги” сифатида ўрганилиши лозимки, бу масала талқинида ижод, ижодий жараён, ижод психологияси, ижодкор лабораторияси каби критерийларнинг ўрнини аниқ белгилаб олмақ жоиз. Ижодкор ижодий концепциясининг ижтимоийлашув жараёни ва унинг қаҳрамонлари тимсолида акс этиши, улар орасидаги ўзаро мутаносибликни бадиий қонуниятлар асосида ўрганишни талаб этади.

Абдулла Қодирий шахсиятига нисбатан қўлланган тақлиқ ва тазйиқлар унинг баъзи асарларида изини қолдирди, бу эса ижодий “мен” ва биографик “мен” иккилиги, ижодий қиёфа ва инсоний қиёфа орасидаги уйғун ҳолатларда муҳим ўрин тутди. Биргина, 1926 йилги суддаги маърузасида ёзувчи сийратидаги бир қанча жиҳатлар кўзга ташланади. Унда нафақат ёзувчининг адабий қиёфасини, балки ҳуқуқларини англовчи фуқаро, расмий услубни пухта эгаллаган сиёсатчи, адабиёт назариясидан хабардор мутахассис, ўз услубига эга журналист, оқил ва тадбиркор донишманд нуқтаи назари етакчилик қилиши эътиборга молик.

Ижодкор шахс руҳиятини ўрганиш асосида адабиётшунослиқда мавжуд бир қатор масалаларга ечим топиш имкони пайдо бўлади. Ижодий “мен” ва биографик “мен” иккилиги орасидаги мувозанатни ўрганиш, биографик жанрга хос асарларга тегишли бўлган ҳужжатлилик ва бадиийлик, холислик сингари етакчи тамойилларни ўзида намоён бўлади. Ижодкор шахси такомилда психогенетик унсурларнинг ўрни муҳим бўлиб, ёзувчи бадиий тафаккурининг шаклланишида оила, адабий муҳит ва ижтимоий-сиёсий омиллар ҳам бир-бирига узвий боғлиқдир.

Абдулла Қодирийнинг адабий ва ижтимоий биографиясини муштарак тарзда ўрганиш, муаллиф биографияси, оилавий муҳит, ижтимоий-сиёсий жараён, тарихий вазият, жамият ва ижодкор масалаларини ёритишда психодинамик моҳият касб этади. Бундай илмий ёндашув тамойиллари

асосида, айтиш мумкинки, Абдулла Қодирийнинг шахс сифатидаги етакчи белгилари: имон-эътиқодда собитлик, жасорат, ҳақиқатпарварлик, сўз ва амал бирлиги каби хусусиятлардан таркиб топган бўлиб, буларнинг барчаси ёзувчи ижтимоий концепциясида намоён бўлади ҳамда қаҳрамонлар талқинида ўзига хос тарзда акс этди.

Ёзувчи дунёқараши ва бадиий тафаккури шаклланишида биографик омилларнинг ўрни бениҳоя катта бўлиб, Абдулла Қодирийнинг бадиий, фалсафий, диний тафаккурига хос белгилар бевосита таржимаи ҳоли билан боғлиқ ҳодисадир. Х.Қодирийнинг “Отам ҳақида, “Отамдан хотира”, “Қодирийнинг сўнгги кунлари”, Н.Боқийнинг “Қатлнома”, Ш.Қодирийнинг “37-хонадон” номли асарларини синчиклаб ўрганиш бундай тарзда умумий хулосаларга келишга тўла асос беради.

Исломиий маърифат ёзувчи шахсиятида бир бутун мазмун касб этиб, ижодининг туб мағзини ташкил этган. Қодирмуҳаммад ота – миллат тарихининг улкан ровийси ва информатори сифатида ёзувчи эпик тафаккури такомилда муҳим роль ўйнаган ҳамда ҳаётий материални бадиий қурилмага айлантиришда робита вазифасини бажарган. Бобо қаътиятли шахсият ва тарихий воқеликларнинг жонли иштирокчиси сифатида ёзувчи шахсининг намоён бўлиши ҳамда шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган. Бу жиҳатлар тадрижий равишда муаллиф бадиий тафаккури замиридан қаҳрамонларига кўчиб ўтган. Отабекдаги улуғворлик, қатъият, одиллик, жасурлик, Анварга хос эрка ўчлик, мушоҳада кенглиги, бирсўзлилиқ аслида ёзувчининг отаси Қодирмуҳаммад табиатидан озукланади. Тарихий воқеликнинг ижодкор тафаккурига таъсири унинг ижодида миллий характер ва янги қиёфа талқинларининг пайдо бўлишига замин бўлиб хизмат қилган.

Умуман, XX аср ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди мисолида ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммосининг илмий-назарий аспектда ўрганилиши адабиётшуносликда ижодкор биографиясини тадқиқ этиш ҳамда адиб асарларининг янги талқинларига йўл очади деб хулоса чиқариш учун тўла асос беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА

ТУЛАГАНОВА САНОБАР ПАНЖИЕВНА

**ТВОРЧЕСКАЯ ЛИЧНОСТЬ И ПРОБЛЕМА ЛИТЕРАТУРНОГО
ГЕРОЯ**

(на примере творчества Абдуллы Кадыри)

10.00.02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована за номером
B2019.3.DSc/Fil18 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров
Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице www.tai.uz и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” www.ziynet.uz.

Научный консультант:

Каримов Наим Фотихович
доктор филологических наук,
профессор, академик

Каримов Баходир Нурметович
доктор филологических наук,
профессор

Дониёрова Шоира
доктор филологических наук

Носиров Азмиддин Нормаматович
доктор филологических наук

**Ведущая научная
организация:**

**Ташкентский государственный
педагогический университет**

Защита диссертации состоится “___” _____ 2019 года в на ___ часов заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.Fil.46.01 при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии Наук Республики Узбекистан.

Адрес: 100047, Ташкент, проезд Шахрисабз, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail:uzlit @uzsci.net).

С диссертацией можно ознакомиться в Главной библиотеке Академии Наук Республики Узбекистан.

Адрес: 100100, Ташкент, улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2019 года.
(Протокол № ___ от “___” _____ 2019 года, реестр № _____).

Б.А.Назаров
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.филол.н., академик

Р.Баракаев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.филол.н.

И.Ч.Хаккулов
Зам.председателя Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.филол.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении важное научное-теоретическое значение приобретают новый подход к художественному произведению, к проблеме творческой личности и литературном герое, изучение таких вопросов как литературная личность, творческая биография человека, биография писателя и его литературно-эстетические взгляды, авторское проявление «Я» в художественном герое, гармония между творческой и человеческим «Я». Созидательная деятельность человека в рамках концепции личности, более глубокое понимание его духовности, творческая личность и эпоха, роль социально-психологических взаимоотношений в духовной эволюции, новые принципы, пополненные источники, наличие факторов для исследования литературно-эстетических взглядов повышают актуальность темы.

Согласно широко используемым в мировом литературоведении методам, таким как сравнительно-исторический, биографический, психобиографический, историко-культурный, проблема творческой личности и литературного героя изучается в качестве литературно-эстетической категории литературоведения, с позиций взаимозависимости явления творческой гармонии. В результате появилась возможность всестороннего изучения человека, глубокого понимания жизненных фактов и психических состояний в биографии творческого человека, компонентов, составляющих механизм творчества, научно-теоретического и художественно-эстетического обоснования равновесия между творческим «я» и человеческим «я». Современный процесс глобализации требует формирования критериев узбекского литературоведения на основе существующих передовых научно-методологических подходов мирового литературоведения, объективного изучения творческой личности и ее художественного наследия, понимания духовности творческого человека, междисциплинарного изучения проблемы художественной личности в общественных науках.

Для того, чтобы глубже понять духовный и культурный прогресс новой узбекской литературы начала XX века, ее многоплановость и сложность, появилась растущая необходимость изучения основкорней социально-политических, литературных и психологических факторов, способствовавших появлению новой узбекской прозы. Поскольку художественное произведение признается в качестве культурного, исторического и общественного явления, то возникает необходимость изучения его автора – творческую личность, не только как литературно-эстетическую проблему, но и в разрезе философских, социальных, психологических вопросов. В литературоведении можно получить эффективные результаты посредством изучения таких вопросов, как психология творчества, личность писателя, образ мышления и мировоззрение автора, общественная позиция, творческая концепция, эстетический вкус, убеждения. Изучение как единого целого жизни и творчества Абдуллы Кадыри, внесшего значительный вклад в развитие нашей национальной

литературы своими произведениями, полностью соответствующими художественным критериям, исследование индивидуальности творческой личности, художественного мастерства, поиска стиля и метода, жизненных и творческих факторов, сыгравших свою роль в развитии эпического мышления, процесса превращения реальности жизни в художественное событие являются одними из важных вопросов в литературоведении.

Изучение наследия А.Кадыри (кадыроведение) сформировалось и развивалось как специализированная сфера, и в последние годы, благодаря новым интерпретациям в подходе к творчеству, открывается поэтика автора. Изучение взаимосвязи таких вопросов, как личность писателя и его творчество, роль биографических элементов в поэтике ранних узбекских романов, отражение социального идеала в эстетической концепции, обеспечивает научную значимость произведения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, вытекающих из Указов Президента Республики Узбекистан «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 г. за № УП 4797, «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. за №УП 4947, Решений Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и популяризации древних письменных источников» от 24 мая 2017 г. за № РП 2995, «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения» от 13 сентября 2017 г. за № РП 1271, а также других нормативно-правовых документов, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информатизированного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации²⁸. Художественно-поэтические особенности романа, его место в мировой литературе, идейно-художественное развитие и совершенствование, а также просветительское и эстетическое значение рассматриваются в научно-практических исследованиях, проводимых в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности, таких, как Московский государственный университет, Российский государственный гуманитарный университет (Россия), University of California, University of

²⁸ Обзор научной литературы по теме диссертации выполнен на основе: <http://www.harvard.edu>; <http://www.universityofcalifornia.edu>; <http://www.dictionary.com>; <http://www.dissercat.com>; https://simple.wikipedia.org/wiki/Historical_novel; <https://www.livelib.ru/book/1000189541/about-lichnost-dostoevskogo-b-bursov>; <https://ru.wikipedia.org/wiki> и другие источники.

Indiana, University of Michigan (США), Istanbul Universitesi, Ankara Universitesi (Турция), Институт литературы Академии наук Азербайджана (Азербайджан), Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Узбекистан).

При исследовании художественно-эстетических категорий, в том числе, проблемы творческой личности и литературного героя, в мировом литературоведении достигнуты следующие научные результаты обоснована: проблема творческой личности и литературного героя обоснована в качестве художественно-эстетической категории литературоведения, раскрытое на научной основе психология творчества, творческая атмосфера, понятие “человек – творческая личность”, важность создания характера, взаимосвязь между творческим “я” и биографическим “я”, отражение авторского “я” в художественном тексте (Московский государственный университет, Россия); рассмотрены в теоретическом, так и общественно-психологическом аспектная литературная и социальная биография писателя, семья и литературная атмосфера, вероисповедание и творческая личность, творческая лаборатория, психобиографические факторы, сыгравшие определенную роль в развитии мировоззрения и мышления, проблема “автор и эстетический идеал” (Российский государственный гуманитарный университет, Россия).

